2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 176 (1237), 2024 йил 31 август, шанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

ЭЛ ИШОНЧИ, ХАЛҚ БИРЛИГИ ВА АҲИЛЛИГИ ИСЛОҲОТЛАРИМИЗНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ, КЎЗЛАГАН МАРРАЛАРИМИЗГА ЭРИШИШДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг фармонларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз уч йиллиги муносабати билан турли соҳалар вакиллари фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан мукофотланган эди.

30 август куни Кўксаройда ушбу мукофотларни топшириш маросими бўлди.

Шавкат Мирзиёев барчани Мустақиллик байрами билан, йиғилганларни давлатимизнинг юксак мукофотлари билан табриклади. Мамлакатимизда эришилаётган натижаларнинг асоси, саъй-ҳаракатларнинг моҳияти ҳақида юракдан сўзлади.

— Биз нима учун меҳнат қиляпмиз? Халқимиз тинч ва фаровон яшаши учун, фарзандларимизнинг бахту камоли учун. Инсон қадри деган ҳаракатни бошлаганмиз. Бу ҳаракатни, катта-катта мақсадларимизни жойларда ким амалга оширади? Сизларга ўхшаган фидойи, ватанпарвар, кучли инсонлар! Сизлар — қаҳрамонсизлар, ёшларимизга намунасизлар. Мен сизлар билан ғурурланаман ва халқимиз номидан раҳмат айтаман, — деди Президент.

Бу саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда. Шаҳару қишлоқлар қиёфаси, барча соҳа ва тармоқлар тубдан ўзгармоқда. Иқтисодиёт, қурилиш, таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя соҳаларида кенг кўламли ишлар қилинмоқда. Буларнинг натижасини одамлар ўз ҳаётида кўрмоқда.

Мамлакатимиз катта тараққиёт йўлига чиқиб олганини дунё ҳам эътироф этяпти. Ўзбекистон ташаббуси билан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бир нечта резолюциялари қабул қилинди. Йирик сиёсий ва иқтисодий форумларда илгари сурилган кўплаб ташаббуслар халқаро жамоатчилик томонидан катта эътибор билан қабул қилинди ва қўллаб-қувватланди.

Узоқ ва яқин давлатлар билан савдо-иқтисодий, туризм ва инвестиция, маданий-гуманитар соҳаларда фойдали битимлар имзоланди. Юртимизда халқаро даражадаги нуфузли анжуманлар бўлиб ўтди. Санъат ва маданият фестиваллари, Олимпия ўйинларидаги тарихий ғалаба ҳам улкан эътирофларга сазовор бўлди.

Бир сўз билан айтганда, бунёдкор халқ, бағрикенг миллат сифатида жаҳон майдонига чиқдик.

Давлатимиз раҳбари буларнинг барчаси халқимизнинг ютуғи эканини таъкидлади.

— Меҳнаткаш, фидойи юртдошларимизни мен ўзимнинг энг яқин қадрдонларим, садоқатли сафдошларим деб биламан, — деди Шавкат Мирзиёев. — Бугун Ватанимизга жонкуяр, ўзини эл-юрт тақдирига дахлдор деб биладиган инсонлар янада кўпроқ керак. Бошқаларни, айниқса, ёшларимизни ортидан эргаштира оладиган, эртанги кунга ишонтирадиган, жамиятни бирлаштирадиган одамлар керак. Чунки эл ишончи, халқ бирлиги ва аҳиллиги кўзлаган марраларимизга эришишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Учрашувда бугун дунёдаги вазият, унда оқилона йўл топиш машаққати ҳақида ҳам сўз юритилди. Шиддат билан ўзгараётган давр мамлакатлар, халқлар, инсонлар олдига янги-янги масалаларни қўймоқда. Бутун дунёда рақобат, эртанги кун учун кураш кетяпти. Шунга тайёр миллат, шунга тайёр халқгина Ватани ва давлатини муносиб ўринга кўтара олади.

Келажакда глобал дунёда Ўзбекистоннинг ўрни қандай бўлади? Биз ўз меҳнатимиз, билимимиз, дунёқарашимиз билан эл-юртга қанчалик наф бера оляпмиз? Бу саволлар ҳаммамизни ўйлантириши керак.

Мустақиллик бизга чинакам қадр-қиммат, инсоний ғурур туйғусини берди. Шу билан бирга, мустақиллик — бу, аввало, масъулият дегани. Ўз тақдири, ўз келажагини ўзи белгилаш, обод ва озод Ватан қуриш масъулияти.

Бугунги ютуқлар биз учун чегара эмас. Халқимиз бундан-да яхши яшашга муносиб, катта ишларга қодир. Агар ҳаммамиз “бир мушт” бўлиб, ўз вазифамизни виждонан бажарсак, ислоҳотларда томошабин эмас, фаол иштирокчи бўлсак, кўзланган мақсадларга албатта етамиз. Бунинг учун бизда шароит, имконият, куч-қудрат, салоҳият етарли экани таъкидланди.

Президент жойларда давлат мукофотларини қабул қилиб олаётган ватандошларимизни ҳам табриклади.

— Мукофот аслида нима? Мукофот — бу, аввало, инсон қадрини улуғлаш дегани. Одамнинг меҳнати қадр топса, давлат ва жамият томонидан эътироф этилса, бундан унинг ўзи, оиласи, дўстлари, маҳалла-кўй, қолаверса, эл-юрт ҳам хурсанд бўлади. Бизнинг мақсадимиз ҳам шу: ҳалол ва самарали ишлаётган одамларни қадрлаш, иззат-икром кўрсатиш, — деди давлат раҳбари.

Шундан сўнг мукофотланганларга фахрий унвон, орден ва медаллар тантанали равишда топширилди.

— Яхши ишлаган одам қадр топади. Бугун ҳалол меҳнат, фидойилик ва ватанпарварлик яна бир марта қадр топаётган кун. Бугунги юксак унвонлар, орден ва медаллар сизларни янги зафарларга чорласин. Юртимизда бундай инсонлар қанча кўп бўлса, мен ҳам мукофотлашдан чарчамайман, — деди Шавкат Мирзиёев.

Мукофотланганлар юксак эътибор учун миннатдорлик билдириб, халқимизга эзгу тилаклар билдирди.

ЎзА

ИККИ ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 30 август куни Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко билан телефон орқали мулоқот қилди.

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари Беларусь Президентини юбилей билан самимий қутлаб, унга мустаҳкам соғлиқ ва катта ютуқлар, дўст Беларусь халқига фаровонлик ва равнақ тилади.

Ўз навбатида, Беларусь Президенти Ўзбекистон раҳбари ва кўп миллатли халқини яқинлашиб келаётган Мустақиллик куни билан самимий табриклаб, тинчлик, барқарор тараққиёт ва ривожланиш тилади.

Суҳбат давомида жорий йилнинг 7-9 февраль кунлари Беларусь Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасига ташрифи чоғида эришилган келишувларни қабул қилинган “Йўл харитаси”га мувофиқ амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Беларусь Республикаси Миллий Мажлиси Республика Кенгаши Раиси Наталья Кочанова бошчилигидаги делегациянинг яқинда мамлакатимизга қилган ташрифининг самарали натижалари юқори баҳоланди.

Саноат кооперацияси бўйича қўшма лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга оширишни тезлаштириш, шунингдек, маданий-гуманитар алмашинувни кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди.

ЎзА

ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев энг азиз умуммиллий байрамимиз — Ватанимиз мустақиллиги эълон қилинганининг ўттиз уч йиллигини нишонлаш арафасида давлатимиз томонидан олиб борилаётган гуманистик сиёсатнинг амалий тасдиғи сифатида **“Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин қўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги Фармон**ни имзолади.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 23-бандига асосан жазо муддатини ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган **522** нафар шахс афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг **159** нафари асосий жазодан озод этилди, **303** нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди, **60** нафарининг озодликдан маҳрум этиш жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилди.

Афв этилганларнинг **19** нафарини чет эл фуқаролари, **56** нафарини аёл, **25** нафарини 60 ёшдан ошган эркаклар, **233** нафарини ёшлар (шулардан, **1** нафари вояга етмаган) ҳамда **27** нафарини тақиқланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этади.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга кўмак бериш бўйича масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

ҲАЙРАТДА ҚОЛГАНИНГИЗДАН ҲАМ ТУЗАЛИБ КЕТАСИЗ

ТИББИЁТ МАРКАЗИ КЎПЛАБ НУРСИЗ ҚАЛБЛАРГА ИШОНЧ, УМИДБАХШ ҲАЁТ НАФАСИНИ ОЛИБ КИРДИ

Кеча мен анчадан бери кутаётган воқеа бўлди. Менимча, буни фақат менмас, минглаб одамлар кутганди...
Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Тошкент шаҳридаги объектларга ташрифи ҳақида ҳамкасбларимизнинг репортажларини кўрган, тармоқларда хабарларни ўқигандирсиз. Ҳозир шу ташрифда кўрганларим ва ҳис қилганларимни сизлар билан бўлишмоқчиман.

3 йил аввал...

2021 йилда давлатимиз раҳбари билан Андижондаги шифохоналарнинг бирида Ўзбекистонда онкологияни ташхислаш-даволаш ҳолати ҳақида савол-жавоб қилиш имконияти бўлганди. Ўша йили яқин қариндошимни Ҳиндистонга олиб бориб, катта қийинчиликлар, харажатлар билан мураккаб операцияни ўтказиб қайтгандик. Шунинг учун ҳам оғриқларим, аламларим янги эди. Савол бераётиб, овозим бўғилганию кўзимда ёш айланганини кўрган Шавкат Мирзиёев ўзи ҳам жуда куйиниб, соҳанинг оғриқларини ва ечимни қандай кўраётганини батафсил бирма-бир санаб берганди.

“Сиз айтгандек, ҳаммаёққа ПЭТ КТ (ядро тиббиёти ускунаси) аппарат қўйишимиз мумкин, лекин уни тушунадиган сифатли кадр етмайди, аввал ўқитишимиз керак, мен барибир уларни хорижга юбориб бўлса ҳам ўқитаман, пойтахтда 8 қаватли, барча ҳудудлар учун илмий-амалий, тиббий хаб бўла оладиган муассаса қуришга топшириқ берганман”, деганди давлатимиз раҳбари ўшанда.

Давоми 2-бетда

Хушхабар

PARIS 2024
PARALYMPIC GAMES

АСИЛА МИРЗАЁРОВА ПАРАЛИМПИЯ ТАРИХИДАГИ 28 ЙИЛЛИК РЕКОРДНИ ЯНГИЛАДИ

Франция пойтахти Парижда давом этаётган XVII ёзги Паралимпия ўйинлари ҳам спортчиларимиз томонидан ўрнатилаётган рекордлар ҳисобига тарих зарварақларига олтин ҳарфлар билан муҳрланадиган бўляпти.

2

Марказдан чиқаётганда 5 йилдан бери онкология билан жон бериб, жон олиб курашаётган Маъмура опамга кўзда ёш билан СМС хабар юбордим. “Бир-икки ойга қолмай жудаям зўр жой очиляпти, Корея, Туркия, Ҳиндистондагидан каммас, сизни шу жойга олиб келаман, ҳайратда қолганингиздан ҳам тузалиб кетасиз”. Илоҳим, шундай бўлсин.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2024 йил 31 август, 176-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

Хушхабар

АСИЛА МИРЗАЁРОВА ПАРАЛИМПИЯ ТАРИХИДАГИ 28 ЙИЛЛИК РЕКОРДНИ ЯНГИЛАДИ

Бошланиши 1-бетда

Хусусан, пара енгил атлетика бўйича аёллар ўртасида Т11 классида узунликка сакраш баҳсида иштирок этган ҳамюртимиз Асила Мирзаёрова дастлабки уринишда 5,22 метр натижа қайд этиб, ушбу йўналишда Паралимпия ўйинлари рекордини ўрнатди.

Маълумотларга кўра, ушбу йўналишда аввалги Паралимпия рекорди 1996 йил Атлантада ўтказилган ўйинларда ўрнатилган. 28 йил аввалги рекорд испаниялик Ортиз Очисткага тегишли эди — 5,07 метр.

Эътиборлиси, спортчимиз кеча 28 йиллик рекордни ўзгартирибгина қолмай, кейинги уринишларида 5,24 метр натижа қайд этган ҳолда бир оз аввал ўзи ўрнатган рекордни янгилади ва олтин медалга сазовор бўлди.

Шу тариқа у қўш рекорд соҳибаси ўлароқ делегациямизга илк олтин медални тақдим қилди.

Асила рекорди билан боғлиқ яна бир ўзига хос кўрсаткич шундаки, у бундан аввалги ёзги Паралимпия ўйинлари — “Токио — 2020”да ушбу йўналишда кумуш медаль олиб, Ўзбекистон тарихида кўзи ожиз спортчилар орасида илк медални қўлга киритган спортчи сифатида тарихга кирган эди.

Ўзбекистон терма жамоасининг зафарли юришлари билан бошланган нуфузли мусобақанинг иккинчи куни худди дастлабки кундаги каби спортчиларимизнинг медаллар шодасини қўлга киритиши билан давом этди.

Жумладан, Кубаро Ҳакимова пара енгил атлетика бўйича аёллар ўртасида Ф41 классида ядро улоқтириш бўйича баҳсларда 10,36 метр натижа қайд этиб, иккинчи ўринни эгаллади ва навбатдаги кумуш медални делегациямиз ҳисобига қўшиб қўйди.

8 сентябрга қадар давом этадиган ушбу мусобақада 65 нафар пара атлетимиз 9 та спорт туридан 113 та лицензияни қўлга киритган ҳолда иштирок этмоқда.

Бу ҳам жамоамизнинг ўзига хос рекордидир. Чунки паралимпиячиларимиз 2016 йил Рио де Жанейро шаҳрида бўлиб ўтган ўйинларга 32 та, Токиодаги ўйинларга 70 та лицензия қўлга киритган.

Спортчиларимизнинг муваффақиятли юришлари мустақиллигимизнинг 33 йиллиги байрамига муносиб туҳфа бўлди. Ишонамизки, улар зафарли юришларини давом эттириб, худди олимпиадачиларимиз каби янги тарих ёзади.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Нуқтаи назар

АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАНГАН КОНЦЕПЦИЯСИ

Бугунги кунда чўлланиш юздан ортиқ давлатга таҳдид солмоқда. Бу кўп жиҳатдан инсон омилига боғлиқ бўлиб, табиатдан аёвсиз фойдаланиш оқибатида тупроқ ва шамол эрозияси ушбу жараённи янада тезлаштиряпти.

Мутахассислар фикрича, юртимиз ҳудудининг 70 фоизи ёки 31,4 миллион гектар табиий шўрланишга, қум кўчкилари, чангли бўрон ва гармсел тарқалиши таъсирига учраган қурғоқчил ва ярим қурғоқчил майдондан иборат. Қарийб 10 миллион гектар яйлов тубдан яхшиланишга муҳтож.

Кейинги йилларда атроф-муҳитни муҳофазалаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, чўлланиш ва қурғоқчиликнинг олдини олиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Соҳага оид муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий база яратилиб, доимий такомиллаштириб борилмоқда. Хусусан, Ер кодекси, “Яйловлар тўғрисида”ги, “Тупроқни муҳофаза қилиш ва унинг унумдорлигини ошириш тўғрисида”ги қонунлар билан тупроқ унумдорлигини ошириш ва тиклаш, табиий муҳитни асраш масалалари батафсил тартибга солинди.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепцияси, шубҳасиз, юртимизда чўлланишнинг олдини олиш, ўрмонларни қайта тиклаш ва иҳота ўрмонларини кўпайтиришга қаратилган муҳим ҳужжат бўлди. 2030 йилга қадар амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар қаторида ернинг чўлланиш ва деградация даражасини камайтириш, ўрмон ресурслари, яйлов ва ер ресурсларини барқарор бошқаришни таъминлаш ҳамда Орол денгизининг қуриган тубида дов-дарахтлар экилган майдонларни кўпайтириш кабилар ўрин олган.

Юртимизда ҳар йили “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида яшил майдонлар кенгайтирилаётгани, хусусан, Орол денгизининг қуриган тубида кейинги йилларда қарийб 2 миллион гектар майдон ўрмонлаштирилгани ҳамда ўрмон фонди ерлари майдони мамлакат умумий майдонининг 25 фоизига ёки муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар майдони 14 фоизга етказилиши нафақат Ўзбекистон, балки минтақа давлатлари манфаатлари учун ҳам хизмат қилмоқда.

Сув тежовчи технологияларни кенг қўллашга ҳам устувор аҳамият қаратилмоқда. Ушбу чора-тадбирлар натижасида бугун сувни тежайдиган технологиялар билан қамраб олинган ер суғориладиган майдоннинг қарийб 25 фоизини ташкил қилиб, бунинг ҳисобига 2023 йилда 3 миллиард куб метр сув иқтисод қилинган.

Бугунги иқлим ўзгаришлари таъсири даражасидан ортда қолмаслик мақсадида Президентимизнинг соҳада ислоҳотларни жадаллаштиришга йўналтирилган қатор фармон ва қарорлари қабул қилинди.

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг шу йил 24 июндаги “Иқлим ўзгаришига нисбатан барқарор агроэкотизимни яратиш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг иқлим ўзгариши билан боғлиқ хавфларга мослашувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қишлоқ хўжалигини иқлим ўзгаришига мослаштириш ва соҳада иқлим ўзгаришларига бўлган салбий таъсирни юмшатиш борасида муҳим ҳужжат бўлди.

Қарорга мувофиқ, қишлоқ хўжалигида иқлим ўзгаришига боғлиқ хавфларга мослашувчанликни ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиши глобал иқлим ўзгаришининг салбий оқибатларига бардошли янги нав ва дурагайларни яратиш ҳамда қишлоқ хўжалиги экинларини парваришлашнинг ресурс тежайдиган технологияларини ишлаб чиқиш, тупроқ шўрланишини камайтириш юзасидан илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида илмий лойиҳалар танловини доимий равишда амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини яратади.

Ҳужжат билан мутасадди вазирлик ва идораларга чўл, тоғли ва тоғолди ҳудудларда чўлланиш ва қум кўчиши, тупроқнинг сув ва шамол эрозиясининг олдини олиш ҳамда экологик муҳитни яхшилаш мақсадида ҳимоя ўрмонлари (иҳота) барпо этиш вазифаси қўйилди. “Ҳар бир фуқаро учун — бир дарахт” тамойили асосида кўрик-танлов ташкил этиб, уни оммалаштириш чораларини кўриш бўйича белгиланган вазифалар, ўз навбатида, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини рағбатлантириш орқали мазкур умумхалқ тадбирини самарали амалга оширишга хизмат қилади.

Умуман, Президентимиз умумбашарий экологик муаммоларни ҳамкорликда ҳал этиш борасидаги ташаббусларни турли халқаро анжуман ва учрашувларда илгари сурмоқда ва улар халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилмоқда. Бугунги кунда давлатимиз раҳбарининг атроф-муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш борасидаги 4 та ташаббуси доирасида БМТнинг махсус резолюциялари қабул қилинган.

Шу йил 13 август куни БМТ Бош Ассамблеяси томонидан навбатдаги — “Деградацияга учраган ва қурғоқ ҳудудларда барқарор ўрмонзорларни барпо этиш, дарахт экиш ва уларни тарғиб қилиш — экологик муаммоларга қарши курашнинг самарали ечими” резолюцияси бир овоздан қабул қилинди.

Мазкур резолюцияда Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессияси ва БМТнинг Иқлим бўйича 28-конференциясида иқлим ўзгаришига ва ер деградациясига қарши самарали курашиш бўйича билдирган асосий таклифлари ўз ифодасини топган.

Резолюцияда ўрмонларни барқарор бошқариш ва дарахт ўтқазишнинг иқтисодий, ижтимоий ва экологик афзалликлари ҳар томонлама кўрсатилган. Уларнинг биологик хилма-хилликни ошириш, иқлим ўзгариши ва ҳаво ифлосланиши оқибатларини юмшатиш ҳамда барқарор ривожланиш мақсадларига эришишга қўшган ҳиссаси, жумладан, камбағалликка барҳам бериш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдаги ҳиссаси алоҳида таъкидланади.

Ҳужжатнинг ўзига хос хусусияти унинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги сўнгги илмий йўналишларга мувофиқлигидир. Экологик тоза ва экотизимга асосланган усуллардан фойдаланган ҳолда биологик хилма-хилликни сақлаш ва кўпайтириш мақсадида БМТга аъзо мамлакатларга дарахт экиш соҳасида аниқ тавсиялар берилади.

Резолюцияга 100 дан ортиқ аъзо давлат ҳамда дунёнинг турли минтақаларини ифодаловчи бошқа давлатлар ҳаммуаллифлик қилди.

Умуман айтганда, БМТнинг Ўзбекистон ташаббуси билан қабул қилинган махсус резолюцияси дунё мамлакатлари ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш билан бирга фуқароларимизга қулай атроф-муҳит яратишнинг ҳуқуқий асосларини таъминлашга хизмат қилади.

Ислом ХУШВАҚТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Муносабат

ҲАЙРАТДА ҚОЛГАНИНГИЗДАН ҲАМ ТУЗАЛИБ КЕТАСИЗ

Тиббиёт маркази кўплаб нурсиз қалбларга ишонч, умидбахш ҳаёт нафасини олиб кирди

Азиза ҚУРБОНОВА,
журналист

Бошланиши 1-бетда

Орадан 3 йил ўтди

Ёдингизда бўлса, Республика онкологияси, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти онкологияси бирлаштирилиши ва шаҳар перифериясида 3 та муассаса битта бинога кўчирилиши ҳақида жамоатчилик муҳокамалари бўлган. Ўзим ҳам бу муассасаларнинг бирлаштирилишини савол остига олганман, ахир минглаб беморларни битта шифохонага сиғдириб бўладими, деб. Бу бирлашишни жон деб қўллайдиган ва маъқулламайдиган шифокорлар фикрини ўргангандим. Иккала тараф ҳам асосли аргументлар айтганди.

Ўзгарган фикрим

Бугун янги Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказига келиб, бу жуда тўғри қарор бўлган, деб ҳисобладим. Ва ниҳоят, ўзингни инсондек ҳисоблаб, даволаниш учун сифатли шароит, энг сўнгги замонавий аппаратлар олиб келинганини, даволаш усуллари ўзгараётганини, мен Ҳиндистоннинг клиникаларида кўриб ҳавас қилганларимдан-да яхшироқ қулайликларни, битта жойда энг яхши мутахассислар кучи бирлашганини кўриб, ҳам хурсанд бўламан, ҳам аввални эслаб юрагим оғрийди. Қанча бемор ўша нурсиз, шароитсиз биноларда шифтга тикилиб ётиб, бугунга етиб келолмади…

Республика онкологиясининг совуқ коридорларида изиллаб гистология жавобларини кутиб ўтирганимиз, шаҳар онкологиясида нур терапияга 3 ойдан кейин келадиган навбатни тезлаштириш учун таниш-билиш қидирганимиз, охири оворагарчиликдан безиб, “қанча пул кетса-кетсин, фақат Ҳиндистонга” деб 3 марта бориб-келганимизни алам билан эсладим. Нега ўзимизда ҳеч бўлмаса, битта шифохонада тартибли, тўғри протокол билан даволаш мумкинмас, дердим алам билан…

Президентимиз янги марказга келганида **“80 миллион доллар эвазига энг охирги онкологик-техник жиҳозлар олиб келинди, юздан ортиқ онколог хорижий давлатларга ўқишга жўнатилди, “нол”дан 8 қаватли, 9 та биноли марказ қурилди. Бунча пул ҳеч қачон бу соҳага берилмаган. Яна 2027 йилгача 1200 онкологни хорижга босқичма-босқич юбориб, ўқитиб келамиз”,** деди.

Бизда онкологик вазият қандай?

Ўзбекистонда ўлим сабаби бўйича 1-ўринда юрак, қон-томир касалликлари, 2-ўринда саратон касаллиги туради. Ҳозир кузатсангиз, ҳар бир катта оила, қариндош-уруғингизда битта саратонга чалинган аъзони топиш мумкин бўлиб қолди.

Бугун айтилган статистикага кўра, Ўзбекистонда ҳар 100 минг аҳолига нисбатан ўртача 73 нафар онкобемор рўйхатга олинган. Бу рақам Тошкентда 152,4 нафар, Бухорода 94,8, Қорақалпоғистон ва Хоразмда 71, Тошкент вилоятида 85 нафарни ташкил қилади. Ҳали ўзининг касаллигини билмаётганлар, рўйхатга қўйилмаганлар ҳам кўп.

Яна айтишларича, Ўзбекистонда саратонни эрта аниқлаш кўрсаткичи 44 фоизга етибди. Бу рақам онкология профилактикаси бирмунча ўсганини кўрсатади. Шу йилнинг 8 ойи давомида 1 миллион 340 мингдан зиёд аёл скринингдан ўтказилганда, 997 нафарида кўкрак саратони, 30 мингдан зиёд кишида саратон олди босқичи аниқланган. Бачадон бўйни саратони эса 766 нафар аёлда топилган.

Марказдаги янгиликлар

Президентимиз айтганидек, онкология бутун дунёда ёшариб бормоқда. Ўз вақтида ва тўғри қўйилган ташхис онкологияни енгишнинг ягона йўли. Бунинг учун “первичка” тўғри ишлаши керак. Поликлиникаларда ўтказилган скринингни тўғри ўқий олиш учун марказда барча ҳудудларни реал вақт режимида кузатиб турадиган махсус ситуацион бўлим очилибди. Унда, дейлик, ҳудуддаги шифокор ташхисни қўйишда қийналган ёки шубҳаланган бўлса, марказдаги шифокорлар консилиум қилиб тизимда кўриниб турадиган суратлар орқали тасдиқлаб беришади.

Биринчи қаватдан саккизинчи қаватгача айланиб чиқдик. Бункер қисмида ядро тиббиёти, ПЭТ КТ текшируви ва радиотерапия амалга оширилади. Шундай қилиб, онкологияда ташхис қўйишнинг энг асосий аппарати — ПЭТ КТ Тошкент шаҳрида 4 та бўлди, давлат шифохонасида эса буниси энг биринчиси ҳисобланади.

Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Фарҳод Тошпўлатовга аввалги 3 та касалхонадаги бемор ўрни билан солиштирганда, ушбу бирлаштирилган марказнинг койкалар сони қисқариб кетмадими, деб савол бердим.

— Йўқ, қайтага имконият ошди, — дейди вазир ўринбосари. — Энди йилига 340 минг бемор билан ишлай оламиз, чунки бу ерда, умуман, бошқача ёндашув қилдик. Олдин кимётерапия олиш учун касаллар бир неча кунга стационарга ётқизиларди. Ҳозир замонавий шароит ва протокол бўйича бунинг ҳожати йўқ. Амбулатор тарзда муолажаларни сифатли олиш имкони бор. Натижада 34 миллиард сўм харажат иқтисод бўляпти, бунга биз кўпроқ беморларни бепул дорилар билан таъминлай оламиз. Шифохона икки сменада ишлайди. Кечкисида муолажа олганда камайтирилган тарифлар қўллаймиз. Менежмент ўзгаради.

Даволаниш бепулми, пуллими?

Ушбу саволимга Фарҳод Тошпўлатовнинг жавоби қуйидагича бўлди: “Даволаниш контингент учун бепул, турли ҳудудлардан келган беморларга ҳудудий тизимдан берилган йўлланма асосида, йўлланмасиз келганларга ва хорижий давлат фуқароларига пулли хизматлар тақдим этиладиган бўляпти. Кейинчалик суғурта орқали ҳам харажатларни қоплаш мумкин бўлади. Бу ерда 300 шифокор, 950 ҳамшира кунига 2,5 минг аҳолига хизмат кўрсатиши мўлжалланган”.

Президентимиз ортидан бошқа қаватларга чиқиб кўрарканмиз, мен хорижда кўрган техникаларни кўриб, “ва ниҳоят!” деб қувониб юрдим.

Ҳозир бемор кимётерапия олаётганда томчи укол орқали бутун танага дори юборилади. Бунда саратон ҳужайралари билан бирга соғлом ҳужайралар ҳам зарарланади, органлар фаолиятига жиддий таъсир қилади. Соч тўкилади, умумий ҳолат оғирлашади.

Хорижда эса аллақачон фақат ўша ўсма мавжуд бўлган нуқтага кимёвий дори юбориб даволаш йўлга қўйилган. Шундай амалиётга имкон берувчи замонавий ускунани кўрдим — “Fuji” компаниясининг “Senaria” компьютер томографи кам дозали нурланиш ва юқори сифатли тасвир билан бехато ташхис қўйишга имкон яратади. 128 ва 256 ўлчамли мультиспирал томографлар жуда юпқа кесимларда энг кичик ўсмаларни ҳам аниқлай олади. Келажакда Ўзбекистонда илк марта суяк кўмиги трансплантацияси йўлга қўйилишини гапириб беришди.

Шу ўринда Сингапур, АҚШ, Кореяда ишлаган Дилшод Эгамбердиевдан сўрадим:

— Самарқандда жигар кўчирилганда бемор ҳам, донор ҳам вафот этганди. Сабаб нима бўлган?

— Чунки бундай амалиёт учун энг муҳим махсус микроскоп ва органни кўчириб ўтказаётганда бошқа аъзоларга зарар етмаслигига ёрдам берадиган тиббий ускуналар бўлмаган, — дейди у. — Ҳозир мен турган хонада муваффақиятли трансплантологияни ўтказиш учун ҳамма нарса бор. Бу мен учун орзудаги операция блоки.

Президентимизнинг журналистларга айтганлари

Президентимиз бу мавзуда икки марта журналистлар билан гаплашди. Андижондаги суҳбатимизни эслатиб, ниҳоят ўша режалар амалга ошаётганини айтдим.

Давлатимиз раҳбари **“Йўлнинг бошидамиз, ҳали яна энг чекка жойларимизгача муаммоларни секин-аста ҳал қилиб борамиз”,** деди. Шавкат Мирзиёев бу марказни байрамга атаб, “урра-ур” қилиб очишга рухсат бермаганини, қатор масалалар ҳал этиб олингач, кейин иш бошлаши зарурлигини гапириб берди.

Президентимизни тинглаб туриб, у киши қайғураётган 4 та масалани ажратиб олдим.

Биринчиси, энди бу марказга замонавий менежмент ва тартибли, шаффоф ишлайдиган менежер керак.

Иккинчиси, нафақат марказ, балки бутун тизимни рақамлаштириш. Шунда коррупцияни чеклаш мумкин, шунда навбатларнинг олдини олиш мумкин, одамлар уйидан туриб, шифохонага қачон келишини билади ва ҳакозо.

Учинчиси, кадрлар сифати масаласи. Бино ва ускунани ишлата оладиган кучли кадрлар зарур. Ҳудудлардаги шифокорларни марказ билан боғлаш, энг яхши чет эл клиникаларига малака оширгани юбориш шарт.

Тўртинчиси, давлат суғурта тизими бўйича жараённи тезлаштириш.

Умидхона

Марказдан чиқаётганда 5 йилдан бери онкология билан жон бериб, жон олиб курашаётган Маъмура опамга кўзда ёш билан СМС хабар юбордим. “Бир-икки ойга қолмай жудаям зўр жой очиляпти, Корея, Туркия, Ҳиндистондагидан каммас, сизни шу жойга олиб келаман, ҳайратда қолганингиздан ҳам тузалиб кетасиз”. Илоҳим, шундай бўлсин.

Бу ерларга ҳеч кимнинг иши тушмасину, мабодо тақдир тақозо қилса, бу даргоҳдан соғлом бўлиб, рози бўлиб чиқиб кетсин. Ўзбекистонга жуда зарур умидхона ҳаммамизга муборак бўлсин!

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Бундан ўттиз уч йил олдин, оғир ва мураккаб тарихий вазиятда қўлга киритилган истиқлол туфайли халқимиз тийнатидаги эрк ва озодликка бўлган некбин ишонч яна қайта уйғонди. Мустақиллик бугунги кунда кўп миллатли халқимизни янги Ўзбекистонни барпо этишдек буюк мақсад йўлида бирлаштириб, янги ютуқ ва марралар сари илҳомлантирмоқда.

ДАВР НАФАСИ

3

www.yuz.uz yuz...ews yuz_official yuz.uz_news yuz

2024 йил 31 август, 176-сон

Бир бўлсак — ягона халқмиз, бирлашсак — Ватанмиз!

ОЛИЖАНОБ МАҚСАД ЙЎЛИДА

Одилжон ИМИНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш қўмитаси раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Ватан ва мустақиллик бугун биз учун ғоятда қадрли, муқаддас сўзларга айланган. Ўтган ўттиз уч йил давомида ватанни севиш, бебаҳо неъмат — истиқлолни кўз қорачиғидай асраш масъулияти наинки онгу шууримиздан мустаҳкам ўрин олди, балки эл фаровонлиги ҳамда ҳаётимиз, орзу-мақсадларимиз, фарзандларимиз келажаги шу юрт билан, унинг мустақиллиги билан чамбарчас боғлиқлигини чуқур англаб етдик.

Ватан мустақиллиги ҳақида гапирганда, бундан бир аср олдин ижтимоий-сиёсий феномен сифатида шаклланган жадидчилик ҳаракати намояндалари кўз олдимизга келади. Ватанпарварлик, миллатпарварлик, маърифатпарварлик ва тараққийпарварлик ғояларини илгари сурган бу ҳаракат вакиллари ўлкани асрий қолоқлик ботқоғидан халос этиш ва мустамлакачилик давридаги иқтисодий, маданий таназзулга чек қўйишга интилди.

Халқимизнинг Файзулла Хўжаев, Мунавварқори Абдурашидхонов, Убайдулло Хўжаев, Фитрат, Абдулла Қодирий, Чўлпон сингари фидойи фарзандлари ўз номини чин маънода тарихга муҳрлаган ҳазрати инсонлар эди. Улар истиқлолга эришиш, юртнинг ҳар томонлама ривожланиши учун, биринчи навбатда, миллий кадрларни тайёрлашга алоҳида урғу берди. Бу йўлда маҳаллий ёшларни Германияга, шунингдек, бошқа илғор мамлакатларга юбориш, улар ёрдамида бу юртларда эришилган илмий-техник ютуқ ва тажрибаларни олиб киришни мақсад қилди.

Мана шундай узоқни кўзлаган лойиҳани амалга ошириш учун ўша даврда юртнинг зиёли бойлари салмоқли улуш қўшгани, натижада Туркистон ва Бухородан 1922 йил охирларида юзга яқин ёш йигит-қиз Германия олий ва ўрта махсус ўқув юртларига қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик саноати, кимё, электротехника, кончилик, фалсафа, педагогика, тиббиёт ва бошқа долзарб соҳалар бўйича ўқишга юборилгани архив ҳужжатларидан маълум. Бундан ташқари, Истанбул, Боку ва Москвага ҳам бир гуруҳ туркистонлик ёшлар таҳсил олиш учун жўнатилган.

Афсуски, бу улуғ ниятлар ўша даврнинг оғир тошлари остида янчилди. Миллат зиёлилари қатағон қилинди. Халқнинг истиқлолга ташналиги, интилиши ғирром ўйинлар, аёвсиз жазолар, кучли ташвиқот ва ноинсоний умумҳаракатлар билан бостирилди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Ўзбекистон ўз суверенитети, давлат мустақиллигига осонлик билан эришгани йўқ. Бу йўлда аждодларимизнинг сиёсий ва маърифий интилишлари сўнгги бир ярим аср давомида деярли тўхтамади. Ҳуррият учун курашган кўплаб фидойилар қатағон этилди, зулм ва зўравонлик қурбони бўлди.

Бундан ўттиз уч йил олдин, оғир ва мураккаб тарихий вазиятда қўлга киритилган истиқлол туфайли халқимиз тийнатидаги эрк ва озодликка бўлган некбин ишонч яна қайта уйғонди. Мустақиллик бугунги кунда кўп миллатли халқимизни янги Ўзбекистонни барпо этишдек буюк мақсад йўлида бирлаштириб, янги ютуқ ва марралар сари илҳомлантирмоқда.

Мамлакат таянчи

Айнан мустақиллик туфайли мамлакатимиз суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлатга, халқаро ҳуқуқнинг тўлақонли субъектига айлангани, бугун дунё бизни янгидан таниб, тан олаётгани рост. Давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳасида туб ўзгаришлар рўёбга чиқарилиб, “инсон — жамият — давлат” тамойили асосида кечаётган ислоҳотлар, аввало, халқимиз турмуш даражаси изчил ошиши, миллий иқтисодиётимизнинг жадал суръатда тараққий этиши, одамларимизда бугунидан розилик ҳисси мустаҳкамланишида ҳал қилувчи роль ўйнамоқда.

Хусусан, кейинги йилларда мамлакатимизда инвестиция ва бизнес муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлар учун имкониятларни ҳар томонлама кенгайтириш, “яшил” ва рақамли иқтисодиётга ўтиш бўйича татбиқ этилаётган йирик дастур ва лойиҳалар ўз натижасини беряпти.

Биз юқорида бежиз жадидларимиз ва уларнинг орзуси ҳақида гапирмадик. Айниқса, ўлка ёшларини илм ва тажриба ўрганиш учун хорижга юборишга кўмаклашган маърифатпарвар мулкдорларни ёдга олар эканмиз, бугун мамлакатимиз таянчи сифатида эътироф этилаётган тадбиркорларимизнинг мустақиллигимизни мустаҳкамлашга, элу юрт, ўсиб келаётган авлод истиқболига қандай улуш қўшаётгани беихтиёр хаёлимиздан ўтади.

Шу йил 20 август куни Нукус шаҳрида Президентимизнинг тадбиркорлар билан навбатдаги очиқ мулоқоти бўлиб ўтди. Сўнгги йилларда яхши анъанага айланган бу мулоқотда кўнгилни янада кўтарадиган кўплаб рақам ва далиллар тилга олинди.

Жумладан, айни пайтда юртимизда уч йилдан ортиқ ишлаётган корхоналар улуши 76 фоизни ташкил этиб, илк бор 300 мингтага етган. Яна 100 мингдан зиёд шундай якка тартибдаги тадбиркор бор. Жорий йилнинг ўзида тадбиркорларнинг товар айланмаси ўтган йилдагидан 25 фоиз кўпайиб, 986 триллион сўмни ташкил қилган. Йиллик айланмаси 10 миллиард сўмдан 100 миллиард сўмгача бўлган ўрта корхоналар икки карра кўпайган. Айланмаси 100 миллиард сўмдан ортиқ йирик корхоналар эса 2200 тадан ошган. Бир пайтнинг ўзида юздан ортиқ кишини иш билан таъминлаган корхоналар 3 мингтага яқинлашган.

Демак, аҳоли бандлиги ва турмуш фаровонлигини ошириш йўлида намуна ва жонбозлик кўрсатаётган тадбиркорларимиз оз эмас ва улар сафи йил сайин кенгайиб бормоқда.

Инвестиция ва бизнес муҳитини яхшилашга устувор эътибор қаратилаётгани, қўшни давлатлар билан савдо ва иқтисодий алоқалар юксалиб боришига замин яратилаётгани ва бир диққатга молик жиҳатдир. Зотан, қайд этилганидек, Ўзбекистон маҳаллий корхоналар учун ҳам, чет эл компаниялари учун ҳам катта бозор, минтақадаги саноат хабига айланиб улгурди. Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти илк бор 100 миллиард долларлан ошди ва шу йилнинг биринчи ярмида тўғридан тўғри хорижий инвестиция ҳажми ўтган йилдагига нисбатан 2 карра ўсиб, 14 миллиард долларга етди. Бундай рақамлар 33 йиллик тарихимизда бўлмаган.

Тадбиркор бой бўлса, давлат ҳам, халқ ҳам бой бўлиши кундай равшан. Аммо бизнингча, бугун ана шу тадбиркорларимиз мамлакат иқтисодий қудратини ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатларига параллел равишда ижтимоий ислоҳотларнинг ҳам фаол иштирокчиси бўлиши кераклигини даврнинг ўзи тақозо қилмоқда. Мамлакатнинг энг катта хазинаси, стратегик ресурси ҳисобланган ёшларга оид давлат сиёсатининг самарадорлигини оширишда тадбиркорларимиз фидойилиги, куч-ғайрати ва инвестициясига эҳтиёж юқори бўлиб қолмоқда.

Иқтисодиётни либераллаштириш, таълим сифати ва аҳоли турмуш даражасини ошириш, камбағалликни қисқартиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар бугун самарасини бера бошлади. Хусусан, жозибадор инвестицион муҳит яратилди ва ҳудудлар кесимида қўшма корхоналар, кластерлар, кооперациялар иш бошлаб, кўплаб аҳоли иш билан таъминланди, маҳаллабай ишлаш тизими жорий қилинди. Асрий турғунлик қобиғи бўлган мажбурий меҳнатга барҳам берилиб, қишлоқ хўжалиги ислоҳ қилинди. Фан ва таълим соҳалари халқаро стандартлар асосида тараққий эта бошлади.

Нодир ЖУМАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Ҳаёт-мамот масаласи

Тарих ва бугунги кун илм-фан тараққиёти инсоният ривожланишида нечоғлик аҳамиятли эканини кўрсатиб берди. Турли суронли йиллар ва мустабид тузум даврида юртимиз фарзандлари ичидан етишиб чиққан олиму фузалоларнинг бой илмий мероси қисман йўқотилди. Ибн Синони Авиценна, Фарғонийни Алфраганус, Хоразмийни Алгоритм номи билан таниганимиз ҳам бор ҳақиқат. Яратганга шукрки, инсоний қадр-қимматимизни, ғурур ва шаънимизни, дину диёнатимизни, миллий давлатчилигимизни тиклаб берган мустақиллик туфайли янги Ўзбекистон номи билан тараққиётнинг мутлақо янги босқичига қадам қўйдик.

Ёшларга оид давлат сиёсатининг энг муҳим йўналиши бўлган таълим-тарбия, хусусан, мактаб таълими ҳозирги мураккаб замонда ҳар бир давлат учун ростдан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланди. Бу соҳадаги ислоҳотларни кечиктирмаслик, ривожланиш пойдеворини мустаҳкам қўйиш бизга эртамизни замонавий билимларни эгаллаган, соғлом ва рақобатбардош ёшлар қўлига топширишдек чинакам бахтни инъом этади.

Ҳар бир халқ, миллатнинг асосий душмани — илмсизлик. Тараққиёт йўлини танлаган давлат ва жамият борки, мавжуд куч-қувватини, капиталини айнан маърифат ва таълимга сарф этишга интилади. Бугун шитоб билан иқтисодий ва технологик юксалиб бораётган давлатлар тажрибаси бунга яққол мисол. Илмий тадқиқотлар таълимга йўналтирилган 1 доллар сармоя мамлакат учун келгусида 3-6 доллар миқдорида фойда келтиришини аллақачон исботлаган.

Янгиланган Конституциямизда ҳам таълим масалаларига бағишланган алоҳида модда мавжуд. IX бобнинг 50-моддасига кўра, ҳар бир шахс тўғридан тўғри таълим олиш ҳуқуқига эга, давлат узлуксиз таълим тизимини, мактабгача таълим ва тарбияни ривожлантириш учун шароитлар яратади, умумий ўрта ва бошланғич касб-ҳунар таълимининг бепул бўлишини кафолатлайди.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида эса ёш авлоднинг ушбу конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, таълим тизимини янада юқори даражага кўтаришга қаратилган устувор мақсад ва вазифалар қамраб олинган.

Кези келганда ушбу мақсад ва вазифалар тизимли амалий тасдиғини топишида давлат билан бирга хусусий сектор — тадбиркорларимиз ҳам фаол иштирок этаётганини таъкидламоқ жоиз.

Мисол учун, жорий йил январь ҳолатига мамлакатимизда мактабгача таълим ташкилотлари сони 33 минг 942 тани ташкил этгани ҳолда уларнинг 6780 таси давлат, 27 минг 162 таси нодавлат боғча ҳисобланади. Бугунги кунда 3-7 ёшли уч миллионга яқин боланинг 74 фоизини мактабгача таълим билан қамраб олишда, стратегик режага кўра, мазкур кўрсаткични 2026 йилгача 80 фоизга, 2030 йилга бориб, юз фоизга етказишда тадбиркорлик субъектларининг муҳим ўрни ва таъсири борлиги мутлақ ҳақиқат.

Ёки 2023/2024 ўқув йилида нодавлат умумтаълим ташкилотлари сони 293 тани ташкил этган. Ваҳоланки, 2018-2019 йилларда хусусий мактаблар сони қўл билан санагулик бўлган.

Бугунги кунда сифатли таълим-тарбия бериш, бунда энг илғор давлатлар тажрибаларини қўллаш, болаларнинг соғлом овқатланиш рационини йўлга қўйишдан тортиб, тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатишгача бўлган вазифаларни самарали уддалашда хусусий мактабгача ва мактаб таълими ташкилотлари пешқадамлик қилмоқда. Чекка-чекка туман, қишлоқ ва овулларда замонавий қиёфадаги боғча ва мактаблар қад ростлаётгани, юқори малакали педагог кадрлар жалб қилинаётгани ва моддий манфаатдорлиги ошаётгани билан боғлиқ ижобий ўзгаришларда эл-юрт хизматига камарбаста тадбиркорларимиз бош-қош, десак янглишмаймиз.

Гап узлуксиз таълим ҳақида борар экан, ёшларнинг олий таълимга қамрови сўнгги саккиз йилда 9 фоиздан 42 фоизга кўтарилганида ҳам хусусий секторнинг сезиларли ҳиссаси борлигини инкор қилолмаймиз.

Юртимизда халқаро меҳнат бозорига рақобатбардош кадрлар етказиб беришни бош мақсад қилган ўнлаб нодавлат олий таълим муассасалари фаолият юритмоқда. Улар олий таълимда сифат ва рақобат муҳитини кучайтириш, мамлакатнинг интеллектуал тараққиётини жадаллаштиришга таъсир кўрсатмоқда. Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришда ибрат мактабини яратган хусусий ОТМларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Буларнинг бари нимадан далолат? Шубҳасиз, мамлакат келажагини асраш, суверенитетини мустаҳкамлаш, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий юксалиш учун таълим соҳаси равнақ топиши сув ва ҳаводек зарур эканини тадбиркорларимиз ҳис қилаётгани ва бу эзгулик қаршисида қўл қовуштириб ўтирмай, дадил ҳисса қўшаётганини англатади.

Шу йилнинг январь ойида Хитойнинг “Жэньминь жибао” газетаси Президент Шавкат Мирзиёевнинг мақоласини эълон қилган эди. Мақолада давлатимиз раҳбари Ўзбекистон ва ХХР муносабатлари истиқболига оид мулоҳазаларида узоқ тарихда ўз даврининг икки буюк цивилизацияси нафақат товар, балки билим ҳам алмашганига алоҳида эътибор қаратиб, жумладан, илм-фан, маданият-маърифат ҳар қандай мамлакатни юксакликка кўтариши, халқнинг ёрқин келажагини олдиндан кўрсатиб беришини баён этганди.

Дарҳақиқат, илм-маърифат эъзозланган, таълим-тарбияга юксак даражада аҳамият берилган мамлакатда турли низо, уруш тўғрисида ўйлаш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмайди. Зеро, илм-маърифат инсонни улуғлайди. Таълим-тарбияга устувор аҳамият бериш, бу ҳақда қайғуриш мамлакат ва халқ истиқболини ўйлаш демак.

Иқтисодиётимизга янги технология ва билимлар кириб келиши ривожланишга ижобий таъсир ўтказиб, аҳоли даромадини кўпайтириш, пировардида фаровон ҳаётни таъминлашга хизмат қилади. Айнан фан ва таълим инсон капиталини ривожлантириш бўйича мавжуд салоҳиятни тўлиқ очишга ёрдам берадиган энг муҳим йўналиш ҳисобланади.

Инновацияга талаб ортаётган, рақамлаштириш жараёни жадаллашаётган, технологияларнинг янги авлоди вужудга келаётган ҳамда сунъий интеллект жорий қилинаётган бир пайтда давлат хизматида ҳам, хусусий секторда ҳам малакали мутахассисларга талаб ошиб бораётгани яна бир эътиборли жиҳатдир.

Минтақамизда ҳамжиҳатлик, бирдамлик, дўстона муҳит юзага келди

Истиқлол йилларида Ўзбекистон дунё ҳамжамиятида мустақил давлат сифатидаги мавқеини мустаҳкамлаган бўлса, сўнгги йилларда ислоҳотлар унинг халқаро даражадаги нуфузини янада оширди.

Ўзбекистоннинг қўшни давлатлар билан яхши қўшнилик, дўстона, ўзаро манфаатли муносабатларни мустаҳкамлаш сиёсати алоҳида аҳамиятга молик воқеликдир. Давлатимиз раҳбарининг кучли сиёсий иродаси ва ташаббуси минтақа мамлакатлари ўртасида савдо-иқтисодий, кооперация, инвестициявий ҳамкорлик, транспорт логистикаси каби қатор соҳалардаги алоқаларни кенгайтириш учун ишончли замин яратди. Узоқ тарих мобайнида қиз бериб, келин олган қардош халқлар ўртасида ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик мустаҳкамланиб, минтақада барқарорлик ва хавфсизликни таъминлади.

Минтақа давлатлари ўртасидаги маданий-маърифий, савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни ривожлантириш тараққиёт омили эканини бугун эришилаётган натижалар тўла исботлаб бермоқда.

Узоққа бормай, яқинда ўз ниҳоясига етган “Париж — 2024” Олимпиадасида кузатилган бир воқеани ёдга олайлик. Тўрт йилликнинг муҳим спорт тадбирида турли байроқ остида аренага чиқсак-да, лекин инсонийлигимиз, бир-биримизга ҳурматимиз, халқларимиз орасидаги дўстона муҳитнинг қанчалик ижобий томонга ўзгарганига гувоҳ бўлдик.

“Бокс бўйича ўзбек мураббийси Акмал Ҳасанов қирғизистонлик боксчи Мунарбек Сейитбек ўғлига ёрдам бериб, унинг мусобақанинг финалигача боришига кўмаклашгани минтақамиздаги дўстона муносабатнинг ёрқин намунаси бўлди. Аҳил қўшничилик тамойилларига қурилган сиёсатимиз бугун халқларимиз юрагига кўчганини кўриш, албатта, қувончлидир”, деди Президентимиз бу борада сўз юритар экан.

Бундан кўринадики, Ўзбекистоннинг минтақада тутган ўрни ва юритаётган ташқи сиёсати катта ўзгаришларга қанот бўлмоқда.

Бу, ўз навбатида, Марказий Осиё давлатлари ўртасида савдо-сотиқ, кооперация алоқаларини ривожлантиришга катта ёрдам бермоқда. Бундан ташқари, қўшни давлатларнинг Ўзбекистон билан чегарадош ҳудудлари ўртасида тўғридан тўғри алоқалар ўрнатиш ва минтақавий иқтисодий форумлар ўтказиш амалиёти йўлга қўйилди. Қўшни давлатлар билан саноат кооперацияси йўли орқали ҳамкорликни янада чуқурлаштириш, йирик инвестиция лойиҳаларини биргаликда амалга ошириш ва қўшма ишлаб чиқариш объектларини яратиш бўйича келишувларга эришилди. Ўтган қисқа вақт мобайнида 30 дан ортиқ муҳим йўналишда ўзаро манфаатли ва кенг қамровли ҳамкорлик йўлга қўйилди. Айни вақтда бу борадаги саъй-ҳаракатлар изчил давом этаётир.

Марказий Осиё давлатларининг ўзаро алоқаларида кўп томонлама ҳамкорлик механизмлари, жумладан, муносабатларни БМТ, МДҲ, ШҲТ, Туркий давлатлар ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа тузилмалар доирасида ҳам ривожлантириш, бунда нафақат сиёсий-дипломатик муносабатлар, балки иқтисодий, парламентлараро ҳамда халқ дипломатияларини кучайтириш устувор вазифа сифатида белгилаб олинган.

Ўзбекистоннинг яхши қўшничилик ва прагматик минтақавий сиёсати Марказий Осиёнинг барқарор ва улкан имкониятларга эга ҳамкорлик маконига айланишига катта ёрдам бермоқда.

Айни вақтда эса ўзаро кучларни бирлаштириб, қўшилган қиймат занжирларини яратиш, етакчи халқаро компаниялардан инвестиция ва технологияларни жалб қилиш, кооперациянинг янги шаклларини жорий этиш орқали минтақани саноатлаштиришга катта эътибор берилмоқда. Бу умумий ривожланишда муҳим ўринга эга.

Умуман олганда, очиқ ва самарали мулоқотлар, илгари сурилган муҳим ташаббуслар, ишга туширилган кўп томонлама лойиҳа ва дастурлар, амалга оширилган кўплаб қўшма тадбирлар минтақа қиёфаси ва имижини тубдан ўзгартирди. Мувофиқлаштирилган фаолият натижасида товар айирбошлаш ва инвестициялар ҳажми бир неча баробар кўпайди. Биргаликда кенг кўламли ҳамкорлик лойиҳалари амалга оширилиб, чегараолди савдо ҳудудлари, замонавий транспорт ва энергетика инфратузилмаси барпо этилмоқда. Бирдамлик ва минтақавий ўзига хослик туйғуси тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Энг муҳими, ушбу ижобий ўзгаришларни минтақа мамлакатлари фуқаролари ўз кундалик ҳаётида ҳис қиляпти.

Айни ҳамкорлик натижасида янги қиёфа касб этган ташқи иқтисодий фаолият орқали тадбиркорлар учун янги бозорларга чиқиш имконияти кенгайди. Янги технологиялар, ишлаб чиқариш усуллари ва халқаро стандартларни ўрганиш учун замонавий муҳит яратди.

Ушбу мақола орқали мустақиллик йилларида амалга оширилган барча ютуқларни қамраб олиш имконсиз бўлса-да, уларнинг айрим жиҳатларини очишга ҳаракат қилдик. Энг муҳими, мустақиллик бизга ҳар ким ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини берганини, адолатли, демократик, инсонпарвар жамият қуриш, ўз миллий давлатчилигимизни барпо қилишга имконият яратганини теран англамоқдамиз. Истиқлол туфайли Ўзбекистон халқаро миқёсда ўзини танитиш, барча давлатлар билан тенг ҳамкорлик қилиш имкониятини қўлга киритди, бозор иқтисодиётига ўтиш учун шароит барпо этилди, мулкка муносабат ўзгарди, халқнинг маънавий уйғониши учун тўла имконият яратилди. Юрт тарихи, қадриятларимиз тикланди.

Марказий Осиё минтақаси ривожланиши учун транспорт алоқаларидан ташқари сув, энергетика, иқлим ва рақамлаштириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Энергетика соҳасида ҳамкорлик йўналишида Европа Иттифоқи қайта тикланадиган энергия лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ва ўзаро боғланган минтақавий энергия бозорларини ривожлантириш орқали минтақада энергия диверсификациясига кўмаклашади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2024 йил 31 август, 176-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

Терхи ХАКАЛА: ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ЎЗГАРИШЛАР БЎЙИЧА ИСЛОҲОТЛАР ДАСТУРИНИ ИЛГАРИ СУРИШДАГИ ҚАТЪИЯТИ ВА САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИНИ ЮҚОРИ БАҲОЛАЙДИ

Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили Терхи Хакала Ўзбекистон Мустақиллигининг 33 йиллиги арафасида “Дунё” ахборот агентлигига интервью берди.

— Хакала хоним, сиз билан Ўзбекистон Мустақиллиги байрами арафасида суҳбатлашаётганимиздан мамнунмиз. Мулоқотимизни мамлакатимизнинг бугунги тараққиёти, амалга оширилаётган демократик ва иқтисодий ислоҳотларнинг самарали натижалари Европада қандай баҳоланмоқда, деган саволдан бошласак.

— Ташаккур. Аввало, ушбу интервьюда иштирок этиш имконияти учун миннатдорлик билдираман. Ўзбекистон халқи ва раҳбариятига мамлакат Мустақиллигининг 33 йиллиги муносабати билан самимий табрикларимни изҳор этаман.

Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили сифатида иш фаолиятимда асосий эътиборни минтақавий ривожланиш ва ҳамкорлик масалаларига қаратаман. Шу боис, мамлакатингизга тез-тез ташриф буюриш ва Ўзбекистон ҳукумати билан жуда самарали ҳамкорлик қилиш шарафига муяссар бўламан.

Марказий Осиёдаги минтақавий ўзгаришларга назар ташлар эканман, биринчи навбатда, Ўзбекистоннинг қўшни мамлакатлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлашдаги ҳамда минтақанинг Европа Иттифоқи билан муносабатларидаги муҳим ўрнини алоҳида эътироф этишни истар эдим. Республиканинг бундай ташқи сиёсат юритиши натижасида Марказий Осиёни янада барқарор ва хавфсиз минтақа бўлишида муҳим ва ижобий жараёнлар кузатилмоқда. Ўз навбатида, Европа Иттифоқи ҳам Ўзбекистон ва бутун минтақа билан муносабатларини чуқурлаштиришга интилади.

Ўзбекистон ҳукуматининг ижобий минтақавий позицияга эга бўлиб бориши баробарида Европа Иттифоқи мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар бўйича ислоҳотлар дастурини илгари суриш борасидаги қатъияти ва саъй-ҳаракатларини тан олади ҳамда юксак қадрлайди. 2016 йилдан буён Европа Иттифоқи ушбу ислоҳотлар дастурини техник ва молиявий ёрдам, шунингдек, умумий қадриятлар асосида инсон ҳуқуқлари, оммавий ахборот воситалари эркинлиги ва самарали бошқарув соҳаларида тараққиёт учун Ўзбекистон ҳукумати билан мунтазам ҳамкорлик қилиш орқали қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Шуни мамнуният билан қайд этишни истардимки, бугунги кунга қадар амалга оширилаётган чора-тадбирлар мамлакатнинг ички ривожланиш динамикасини яхшилаш, гендер тенглиги ва ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини рағбатлантиришдан тортиб, иқтисодиётда давлат сектори назоратини қисқартириш ва глобал миқёсда очиқликни оширишга қадар сезиларли ижобий натижалар берди.

Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида ўсиб бораётган савдо айланмаси бу борадаги ижобий ўзгаришларнинг яна бир яққол мисолидир.

Европа Иттифоқи мамлакатнинг савдо салоҳиятини янада яхшилаш мақсадида Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига (ЖСТ) аъзо бўлишини қатъий қўллаб-қувватлайди ва республикада инвестициявий муҳитни яхшилаш бўйича саъй-ҳаракатларни давом эттириш тарафдори. 2024 йил апрель ойида коррупцияга қарши курашишга қаратилган “Ўзбекистонда бошқарув тизимини такомиллаштириш” лойиҳасининг ишга туширилиши ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш борасида ЕИ ва Ўзбекистон ўртасидаги яқин ҳамкорликнинг яна бир ёрқин намунаси бўлди.

Шунингдек, биз мамлакатдаги ислоҳотлар иқлим ўзгаришини юмшатиш учун барқарор ривожланишга кўмаклашувчи “яшил” ўтишни бошлаб берганини кўришдан мамнунмиз. Бу барчамиз учун муҳим бўлган ва Европа Иттифоқининг ички ва ташқи сиёсатининг ўз олдига қўйган мақсади ҳисобланади.

Таркибий ислоҳотлар ҳар қандай ҳукумат учун ҳамиша қийин кечишини тан олган ҳолда айтишим мумкинки, Ўзбекистоннинг бу борадаги салмоқли ютуқлари бизни руҳлантирмоқда. ЕИ мамлакатингиздаги кейинги ислоҳотлар жараёнларини ҳам қўллаб-қувватлаш тарафдори.

— Жорий йилда Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи муҳим сана — дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллигини нишонламоқда. Халқаро экспертларга кўра, икки томонлама шериклик тарихида ҳеч қачон Ўзбекистон ва ЕИ ўртасидаги сиёсий муносабатлар бугунгидек жадал ривожланмаган. Бир қатор муҳим ўзгаришлар рўй берди — Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимнинг парафирланишидан тортиб, мамлакатнинг Европа Иттифоқи “GSP+” умумий преференциялар тизимида иштирок этиши, бошқарув ва демократик бошқарув, рақамли инновациялар ва бошқа соҳаларни қамраб олувчи қўшма лойиҳалардаги иштироки орқали савдо алоқаларини мустаҳкамлаш, инклюзив ўсиш, барқарор қишлоқ хўжалиги, аёллар ҳуқуқлари, ўзаро боғлиқлик ва бошқа йўналишлар шулар жумласидан. ЕИ ушбу ҳамкорликнинг ривожланиши ва унинг келажакдаги истиқболларини қандай баҳолайди?

— Дарҳақиқат, жорий йил Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон ўртасидаги дипломатик муносабатлар тарихида муҳим босқич бўлиб, ўтган ўттиз йил ичида мустаҳкамланган алоқалар, манфаатлар уйғунлиги ва эришилган ижобий ютуқлар билан фахрланишимиз мумкин. Сўнгги пайтларда муносабатларимиз фаоллиги сезиларли даражада ошгани қатор омиллар, жумладан, Президент Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийлари томонидан олиб борилаётган ислоҳотлар дастури, Марказий Осиё ва Европа ўртасидаги умумий яқин шериклик ва бугунги геосиёсий кун тартиби билан боғлиқ.

Бунинг натижасида ҳам Европа Иттифоқи, ҳам унга аъзо давлатлар томонидан юқори сиёсий даражадаги ўзаро шериклигимиз изчил ривожланиб бормоқда. Жумладан, Европа Кенгаши Президенти Шарль Мишель ва Европа Иттифоқининг ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили, Европа комиссияси вице-президенти Жозеп Боррелнинг 2022 йилда Ўзбекистонга ташрифи, шунингдек, Европа комиссияси вице-президенти Маргаритис Схинаснинг 2024 йил январь ойида Марказий Осиёнинг барча мамлакатларига ташрифи фикримни тасдиқлайди. Кейинги қадам сифатида биз Ўзбекистон Самарқандда мезбонлик қилишни таклиф қилган “Европа Иттифоқи — Марказий Осиё” саммитини ўтказишни интиқлик билан кутяпмиз.

> **ЕИ ва Ўзбекистон ўртасидаги шериклик тўғри йўлда одимламоқда ва қатор соҳалардаги ҳамкорлигимизни янада кенгайтириш учун катта салоҳият мавжуд. Европа Иттифоқи, жумладан, камина ҳам бунинг учун қаттиқ ишлашда давом этиш тарафдориман.**

Брюсселда зарур тайёргарлик жараёнлари якунланиши биланоқ имзоланиши кутилаётган Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимнинг (КШҲТБ) парафирланиши, ҳақиқатан, Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон ўртасидаги икки томонлама муносабатлар учун муҳим қадамдир. Ушбу битим келажакдаги ҳамкорлигимиз, жумладан, сиёсий мулоқот, савдо, инвестиция ва иқтисодий муносабатлар учун муҳим асос бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Жорий йилда икки томонлама алоқаларимиз тарихида яна бир воқеа — Ўзбекистон саноати учун фойдали бўлган муҳим хомашё бўйича стратегик шерикликни йўлга қўйиш ҳамда Европа Иттифоқи компанияларига зарур ресурслардан фойдаланишда ёрдам берадиган ўзаро Англашув меморандумининг имзоланиши бўлди.

Шунингдек, биз бошқа устувор йўналишлар, хусусан, хавфсизлик, “яшил” иқтисодиёт ва рақамлаштириш бўйича ҳам алоқаларни кучайтиришга интиламиз.

Умуман олганда, ЕИ ва Ўзбекистон ўртасидаги шериклик тўғри йўлда одимламоқда ва қатор соҳалардаги ҳамкорлигимизни янада кенгайтириш учун катта салоҳият мавжуд. Европа Иттифоқи, жумладан, камина ҳам бунинг учун қаттиқ ишлашда давом этиш тарафдориман.

— Европа Иттифоқи Ўзбекистоннинг энг йирик савдо ва инвестициявий шерикларидан биридир. Кейинги йилларда Ўзбекистон ва ЕИ ўртасидаги иқтисодий алоқалар янги суръатларга эга бўлди. Европа Иттифоқининг Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилиш учун қулай иқтисодий имкониятлар яратиш бўйича истиқболдаги режалари қандай?

Ўзбекистон ва ЕИ ўртасидаги кооперациянинг тўлақонли механизмини яратиш имконини ҳам беради.

Ўзбекистон Европа Иттифоқининг “GSP+” умумий преференциялар тизимида иштирок этишдан ҳам фойда кўради. Мазкур тизим, шунингдек, мамлакатга меҳнат ва инсон ҳуқуқлари, атроф-муҳит ва иқлимни муҳофаза қилиш ҳамда 27 та халқаро конвенция орқали самарали бошқарувни яхшилаш билан бирга жуда қулай тарифларни тақдим этади. Бу эса пировардида ишончли, истиқболли иқтисодий ҳамкор сифатида республика мавқеини янада мустаҳкамлашга кўмаклашади, деб ўйлайман.

Ўзбекистоннинг иқтисодий имкониятларини янада қўллаб-қувватлаш мақсадида юқорида таъкидлаганимдек, ЕИ республикага ЖСТга аъзо бўлишда ҳам техник ёрдам кўрсатаётир.

Шу билан бирга, минтақанинг денгизга чиқиш имконияти йўқлигини инобатга олиб, Европа Иттифоқи Марказий Осиё учун Транскаспий халқаро транспорт йўлаги орқали алоқаларни яхшилашга эътибор қаратмоқда. Худди шундай, ЕИ чегара инфратузилмасини модернизация қилиш, божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш ва транспорт тармоғини ривожлантиришда инвестицияларни кўпайтиришга кўмаклашиб, мамлакатга молиявий ва техник ёрдам кўрсатишда давом этади.

— Юқорида таъкидлаганингиздек, Европа Иттифоқи барқарор алоқаларни ривожлантириш, шунингдек, минтақада тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашда Марказий Осиё учун муҳим ҳамкор ҳисобланади. Ўз навбатида, Марказий Осиё жамтақаси сўнгги йилларда тобора ортиб бораётган истиқболли шерикка айланмоқда. Минтақа ва ЕИ ўртасидаги яқин алоқаларнинг жорий кун тартиби 2022 йил ноябрь ойида бўлиб ўтган Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё ўртасида “Барқарор ривожланиш учун глобал дарвоза” мавзусидаги ўзаро боғлиқлик бўйича Самарқанд конференциясида белгилаб қўйилган. Бу соҳада мулоқотни кучайтириш учун ЕИ томонидан қандай янги амалий қадамлар ташланиши мумкин? Европа Иттифоқи Марказий Осиёдаги шерикларидан ушбу мулоқотни янада сифатли ривожлантириш нуқтаи назаридан нимани кутмоқда?

— Ҳақиқатан, Самарқандда бўлиб ўтган халқаро конференцияда шахсан иштирок этдим ва ўшандан бери Транскаспий халқаро транспорт йўлагини шакллантириш бўйича режалар ва ишлар қандай ишлаб чиқилгани ҳамда ривожланаётганининг гувоҳи бўлиб турганимдан жуда мамнунман. Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё ўртасида барқарор алоқаларни мустаҳкамлаш биз учун асосий устувор вазифа бўлиб қолади ва “Глобал дарвоза” ташаббуси барча Марказий Осиё мамлакатлари учун янги эшикларни очади, жумладан, минтақаларо транспорт алоқаларини мустаҳкамлаш имкониятларини тақдим этади.

Айтиш керакки, 2024 йил январь ойида Брюсселда инвесторлар форумини муваффақиятли ўтказдик. Унда Европа ва Марказий Осиё ўртасидаги транспорт йўлакларини қўллаб-қувватлаш учун халқаро молия институтларидан 10 миллиард евро жалб қилинди. Ҳозирда Транскаспий халқаро транспорт йўлагини ҳам қаттиқ инфратузилма инвестициялари, ҳам юмшоқ компонентлар, жумладан, божхона тартиб-таомиллари такомиллаштирилган ҳолда ривожлантириш бўйича ишлар бошланди. Биз Марказий Осиёда амалга оширилган ишлардан ташқари, мазкур йўлак барқарорлигини таъминлаш учун ушбу транспорт йўналиши кесиб ўтган Туркия, Озарбайжон, Грузия ва Арманистон каби давлатлар билан ҳамкорлик қилиш муҳимлигини ҳам яхши тушунамиз.

Биз буни бутун Марказий Осиё минтақаси ва ундан ташқаридаги зикр этилган мамлакатларни қамраб олган лойиҳа деб биламиз ва уларнинг барчасини ўзаро манфаатли транспорт коридорини яратишга жалб этишга интиламиз. Шу муносабат билан мувофиқлаштириш ва ҳамкорликка муҳим эҳтиёж мавжуд. Ўйлайманки, божхона, чегара ва тарифларни тартибга солишни соддалаштириш ҳамда уйғунлаштиришда иштирокчи давлатларнинг очиқлиги жуда муҳим бўлади. Ушбу чора-тадбирлар орқали коридорни рағбатлантириш учун катта имкониятлар мавжуд, бироқ ўзгаришларни амалга ошириш учун ҳам сиёсий ирода ҳам зарур.

Марказий Осиё минтақаси ривожланиши учун транспорт алоқаларидан ташқари сув, энергетика, иқлим ва рақамлаштириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Энергетика соҳасида ҳамкорлик йўналишида Европа Иттифоқи қайта тикланадиган энергия лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ва ўзаро боғланган минтақавий энергия бозорларини ривожлантириш орқали минтақада энергия диверсификациясига кўмаклашади.

“Европа жамоаси” (Team Europe)нинг сув-энергетика ресурсларини интеграциялашган бошқарувини такомиллаштириш ва Марказий Осиёда “яшил” иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш учун инвестицияларни кўпайтиришга қаратилган ташаббуси орқали минтақада “Глобал дарвоза” дастурини амалга оширяпмиз. Ушбу ташаббус натижасида Европа Иттифоқи Марказий Осиёнинг минтақавий энергетика бозорини, трансчегаравий сув ресурсларини бошқариш ташаббусларини, жумладан, Оролни қутқариш халқаро жамғармасини қўллаб-қувватлашни ва сув, энергетика ҳамда атроф-муҳит секторларида иқлим ўзгаришига мослашиш бўйича минтақавий сиёсат мулоқотини қўллаб-қувватлайди. Сув ресурсларини бошқариш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда, чунки биз иқлимнинг ресурслар мавжудлигига салбий таъсирини, шунингдек, экстремал об-ҳаво ҳодисаларининг кучайишини аллақачон кўриб турибмиз.

Худди шундай, ЕИ рақамли уланишни ривожлантиришга эътибор қаратган ва “Европа жамоаси”нинг рақамли алоқалар ташаббуси орқали минтақадаги кенг полосали инфратузилмага инвестиция киритиш, рақамли кўникмаларни шакллантириш ва минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришни таклиф қилмоқда.

Таълим Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё ҳамкорлигининг яна бир муҳим йўналиши бўлиб, айниқса, академик алмашинувни ва маданиятлараро мулоқотни рағбатлантирадиган “Erasmus+” лойиҳалари билан боғлиқ.

Тинчлик, хавфсизлик ва ўзаро боғлиқлик нуқтаи назаридан Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё умумий манфаатларга эга. Хусусан, терроризмга қарши курашишда биргаликда ишлаш тарафдоримиз. Европа Иттифоқининг минтақавий дастурлари — чегараларни бошқариш бўйича BOMCA, гиёҳвандлик моддалари тарқалишининг олдини олиш бўйича CADAP ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари салоҳиятини ошириш бўйича LEICA кўп йиллардан буён минтақа давлатлари, хусусан, Ўзбекистоннинг салоҳиятини оширишга қаратилган тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Бу ишлар турли масалаларни ҳисобга олган ҳолда давом этади ва янада ривожланади, деб ўйлайман.

Ўзбекистон Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга ва бу борада ЕИнинг яқин шериги ҳисобланади. Жорий йилнинг май ойида Тошкентда Европа Иттифоқининг терроризмга қарши кураш бўйича координатори Бартьян Вегтер билан биргаликда “Европа Иттифоқи — Марказий Осиё” экспертлар даражасидаги биринчи хавфсизлик конференциясида иштирок этганимдан хурсандман.

Марказий Осиё давлатлари ўртасида йўлга қўйилган яқин алоқалар Европа Иттифоқининг ушбу минтақа билан ҳамкорлиги учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб қолаётир. Яқинда Остона шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг олтинчи Маслаҳат учрашуви ва Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларининг Қозоғистонга амалга оширган давлат ташрифи якунлари минтақа давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик қандай ривожланаётганидан гувоҳлик бермоқда. Мен қўшни давлатлар ўртасида бундай яқин муносабатни кўриб турганимдан хурсандман.

— Хакала хоним, суҳбатимиз якунида Мустақиллик байрами муносабати билан Ўзбекистон халқига тилакларингиз бўлса билдиришингиз мумкин.

— Ўзбекистон халқини яна бир бор Мустақиллик куни билан самимий табриклайман. Бу кун мамлакат тарихидаги муҳим босқич бўлиб, унинг суверенитети ва мустақиллигининг ўттиз уч йиллиги нишонланади. Фаровон жамият барпо этиш йўлида тинимсиз меҳнат қилаётган ўзбек халқининг матонати ва азму шижоатини улуғлаш вақти келди.

Қаттиқ меҳнат ва инклюзив жамият намунаси сифатида мен Ўзбекистон ва унинг спортчиларини “Париж — 2024” ёзги Олимпия ўйинларидаги ажойиб муваффақияти билан ҳам табриклашдан мамнунман. Шунингдек, Паралимпия ўйинларида Ўзбекистоннинг матонатли атлетларига улкан зафарлар тилайман.

Мустақиллик байрами халқингизни бирдамлик ва тараққиёт сари илҳомлантирсин, юртингизда тинчлик ва барқарорлик бардавом бўлсин.

Мустақиллик байрамингиз муборак!

“Дунё АА”

Брюссель

Мулоҳаза

ТАРАҚҚИЁТ УЧУН ЖИДДИЙ ТЎСИҚ

Давронбек ВАҲОБОВ,
Тошкент шаҳар солиқ бошқармаси Шахсий хавфсизлик бўлими давлат солиқ бош инспектори

Коррупция — тараққиёт йўлига жиддий тўсиқ бўлиб, жамият ривожи, соҳалар юксалишига бевосита таҳдид туғдирадиган иллатдир. Шу боис, бугунги кунда мамлакатимизда коррупцияга қарши курашишга давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралмоқда.

Хусусан, давлатимиз раҳбари кўплаб маъруза ва чиқишларида лоқайдлик, бепарволик, порахўрлик, коррупция, сохтакорлик, мансаб ваколатини суиистеъмол қилишга қарши кураш бутун жамиятнинг мақсадига айланиши кераклиги тўғрисида гапирар экан, унга қарши курашишни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари мутасаддилари олдига асосий вазифа сифатида қўйган. Бу иллатнинг олдини олиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Коррупциянинг олдини олишда, аввало, ҳуқуқий онг бирламчи аҳамият касб этади. Яъни одамларнинг бу борадаги тушунчаси қанчалик кенгайса, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар самарали ишлайди. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, чек қўйиш, унга имкон берувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш, жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш каби вазифалар муҳим аҳамият касб этади.

Шу маънода айтиш мумкинки, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, таълим муассасаларида ушбу йўналишга алоҳида эътибор қаратиш заруратга айланиши керак. Чунки ҳуқуқий онги ва маданияти юксак бўлган, ҳуқуқий таълим-тарбия жиҳатидан етук инсонлар ушбу салбий иллатга йўл қўймайди.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда коррупцияга қарши курашишда барча идора ва ташкилотларда мунтазам равишда тарғибот тадбирлари олиб борилмоқда. Хусусан, Тошкент шаҳар солиқ бошқармаси Шахсий хавфсизлик бўлими ходимлари пойтахтимиздаги гавжум савдо мажмуаларида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келаётган тадбиркорлар билан тарғибот тадбирлари ўтказиб, уларга алоқа марказлари ва ишонч телефонлари бўйича тушунчалар бериб келмоқда. Бунинг учун алоҳида алоқа тармоғи — (78)-140-32-56, (71) 244-98-60 телефон рақамлар ажратилган. Фуқаролар солиқ хизмати органлари тизимида коррупция ҳолатларига дуч келса, ушбу рақамларга мурожаат қилиши мумкин. Келажагимиз, тараққиётимиз, муносиб турмушимиз йўлига ғов бўладиган ҳар қандай тўсиққа биргаликда, ҳамкорликда ечим топилади.

ИИВ академияси ташкил этилганининг 30 йиллигига

ЯНГИ АВЛОД ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНИ ХОДИМЛАРИ

янгича анъана ва илғор ёндашувлар асосида тайёрланмоқда

Мамлакатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалари, шу жумладан, ички ишлар органларини етук малакали кадрлар билан таъминлашда Ички ишлар вазирлиги академиясининг муносиб ўрни бор. Ўқув даргоҳи ўзининг ўттиз йиллик фаолияти давомида шарафли йўлни босиб ўтди ва ихтисослашган таянч муассасалардан бирига айланди. Бинобарин, ўтган йиллар мобайнида масканда 20 мингга яқин мутахассис, 12 мингга яқин сержант таркиби ходимлари, 1000 нафардан ортиқ раҳбар кадрлар тайёрланди.

Рустам ҲОТАМОВ,
ИИВ академияси бошлиғи, полковник, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори, доцент

Кейинги йилларда ички ишлар органларини аҳоли билан бевосита яқиндан ишлайдиган, халқ манфаатларига хизмат қиладиган халқчил тузилмага айлантириш йўлида кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилди. Шунга мос равишда тизим учун кадрлар тайёрлаш жараёнлари ҳам тубдан такомиллаштирилди.

Мақсад — назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш

Бундан уч йил муқаддам Президентимизнинг “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинган эди. Мазкур қарор академия фаолиятини тубдан ислоҳ қилишда муҳим аҳамият касб этди. Биринчи навбатда, ўқув даргоҳида бакалавриат ва магистратурани ўз ичига олувчи икки босқичли олий таълим тизими ишга туширилди.

Кадрларни мақсадли тайёрлаш мақсадида кундузги таълим бакалавриатида модулли ўқитиш тизимига ўтилиб, машғулотларнинг 60 фоизи назария, қолган 40 фоизи амалиётга йўналтирилди. Таълим жараёнида факультет тизими жорий қилинди ва ўқув, ўқув-услубий, илмий тадқиқот ҳамда тарбиявий ишлар самарадорлиги тубдан оширилди.

Курсантларнинг ихтисослик йўналишлари бўйича амалий кўникмаларини бойитиш мақсадида базавий амалиёт машғулотлари жорий қилинган. Машғулотларни пойтахтимизнинг Юнусобод, Яшнобод ва Мирзо Улуғбек туманлари ички ишлар органлари ҳамда маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларида ўтказиш йўлга қўйилди. Бундан ташқари, мазкур туманлардаги ИИОФМБларида тезкор-қидирув, криминалистик экспертизалар ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраларининг филиаллари ташкил қилинди.

Жойлардаги криминоген вазиятни чуқур ўрганиш орқали курсантларда зарур касбий кўникмаларни ҳосил қилиш мақсадида ҳудудий ички ишлар органлари раҳбарлари томонидан онлайн мастер-класс машғулотларини ўтказиш кенг жорий этилди.

Ўқув тезкор-тергов гуруҳлари ташкил қилиниб, курсантларнинг Тошкент шаҳрида содир этилган жиноятлар бўйича ҳодиса жойига чиқиб, терговга қадар текширув ҳаракатларини ўрганиши йўлга қўйилди. Ўқув тезкор-тергов гуруҳлари учун 2 та автобус махсус техник воситалар билан жиҳозланди.

Бугунги кунда маъруза машғулотларига тажрибали амалиёт ходимларининг жалб қилинаётгани, суд органлари билан ташкил қилинаётган сайёр суд мажлислари, ички ишлар органлари фахрийлари ва кўп йиллик амалий тажрибага эга ходимлар иштирокида ўтказилаётган мулоқот учрашувлари, “Кичик финал”, “Финал” сингари комплекс ўқув машғулотлари курсантларнинг назарий билимларини амалий кўникмалар ёрдамида мустаҳкамлашда пойдевор бўлмоқда.

Ҳозирда кундузги таълим бакалавриатида “ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти”, “тезкор қидирув фаолияти”, “эксперт-криминалистика фаолияти”, “жазони ижро этиш фаолияти”, “хизмат фаолиятини тарбиявий-психологик таъминлаш”, “ташкилий-штаб фаолияти”, “пробация фаолияти” ихтисосликлари, шунингдек, тажриба тариқасида “ахборот хавфсизлиги” йўналишида кадрлар тайёрланмоқда.

Бошқарув кадрлари замон талаблари даражасида таълим олмоқда

Ўқув даргоҳи қошидаги магистратура ички ишлар органларининг асосий фаолият йўналишларини самарали бошқаришга қодир универсал раҳбар кадрларни тайёрлашга йўналтирилган.

Магистратурада дастлаб “ташкилий-тактик бошқарув” ва “ташкилий-стратегик бошқарув” мутахассисликлари, жорий йилдан бошлаб эса “илмий-педагогик фаолият” ихтисослиги бўйича кадрларни тайёрлаш йўлга қўйилди.

Таълимни замон талаблари даражасида ташкил этиш мақсадида машғулотларга энг тажрибали профессор-ўқитувчилар жалб қилинган. Шунингдек, ички ишлар вазири ўринбосарлари, вазирлик соҳавий хизматлари раҳбарлари, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари вакиллари, маҳаллий ва хорижий етакчи таълим муассасаларининг олим ҳамда экспертлари кенг жалб этилмоқда.

Бундан ташқари, тингловчиларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқарув академиясида раҳбарлик маҳоратини ошириши, хорижий давлатларга бориб илғор тажрибаларни ўрганиши, бевосита ички ишлар вазири ўринбосарлари, вазирлик соҳавий хизматлари раҳбарлари, ҳудудий ҳамда туман-шаҳар ички ишлар органлари бошлиқлари раҳбарлигида малакавий амалиёт ўташи кенг татбиқ қилинган.

Сўнгги йилларда магистратура фаолиятига қатор янгиликлар жорий этилди. Тингловчиларнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаоллигини ошириш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қонун муҳокамалари ҳамда ялпи мажлисларида мунтазам қатнашиши йўлга қўйилди. Ўқув дастурларига геосиёсат, менежментнинг замонавий усуллари, дипломатик протокол ва этикет, бошқарувда тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, ички ишлар органларида кибержиноятларга қарши курашиш фаолияти, ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданияти ва хизмат интизоми кодекси сингари янги фанлар киритилди.

Шу билан бирга, маъруза заллари ва ўқув хоналарида машғулотларни инновацион методлар ёрдамида ўтказиш имконияти яратилди. “Секторлар фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш” ўқув-амалиёт хонаси, “Фавқулодда вазиятларда ички ишлар органлари куч ва воситаларини бошқариш” ситуацион маркази ҳамда “Киберхавфсизлик” ўқув аудиторияси ташкил этилди.

Магистратурада дастлаб “ташкилий-тактик бошқарув” ва “ташкилий-стратегик бошқарув” мутахассисликлари, жорий йилдан бошлаб эса “илмий-педагогик фаолият” ихтисослиги бўйича кадрларни тайёрлаш йўлга қўйилди.

Илмий салоҳият 70 фоизга етказилди

Академияда илмий салоҳият кўрсаткичларини оширишнинг стратегик йўналишлари белгилаб олинган. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган илмий тадқиқот дастури ҳам қабул қилинган.

Олий таълимдан кейинги таълим факультетида таянч докторантура, докторантура ва мустақил изланувчилик йўналишлари фаолият юритмоқда. Диссертация мавзуларини шакллантиришда ҳудудий ички ишлар органлари фаолиятидаги муаммоларни тадқиқ қилиш ва уларнинг натижаларини амалиётга кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шунингдек, тадқиқот мавзуларининг долзарблигини ва амалиёт учун аҳамиятини баҳолаш мақсадида Экспертлар кенгаши фаолияти йўлга қўйилган. Ёш изланувчилар учун илмий тадқиқот методологияси бўйича қисқа муддатли курслар ҳамда илмий стажировка тизими жорий қилинди. Академия ахборот-ресурс марказида диссертация, автореферат, монографиялар, битирув малакавий ишлари, илмий мақола ва тезисларнинг электрон базаси яратилиб, тадқиқотчилар учун кенг имкониятлар яратилди.

Профессор-ўқитувчилар ва тадқиқотчиларни дифференциал рағбатлантиришнинг янги механизми, яъни илмий фаолият рейтинги жорий қилинган. “Энг яхши доцент”, “Энг яхши профессор”, “Энг яхши олим”, “Энг яхши илмий тўғарак раҳбари”, “Энг яхши илмий тадқиқот”, “Энг яхши монография”, “Энг яхши ўқув нашри”, “Энг яхши илмий мақола” номинациялари бўйича турли танловлар ўтказиб келинмоқда.

Ҳозирда академия ҳузурида илмий даражалар берувчи 2 та ихтисослашган кенгаш самарали фаолият кўрсатмоқда. Сўнгги уч йилда ихтисослашган кенгашларда 50 дан зиёд диссертациялар муваффақиятли ҳимоя қилинди. Профессор-ўқитувчилар томонидан 93 та дарслик, 245 та ўқув қўлланма, 37 та монография, 31 та конференция материаллари тўплами ва бошқа нашрлар чоп эттирилди.

Муҳими, мазкур йўналишдаги ислоҳотлар натижасида илмий салоҳият кўрсаткичлари йилдан йилга яхшиланиб бормоқда.

Жиноятчиликни жиловлаш бўйича ҳудудлар тажрибаси яратилмоқда

Ҳуқуқбузарликлар сабаб ва шарт-шароитларини ўрганиш академия фаолиятининг устувор йўналишларидан бири саналади. Ўтган қисқа вақт ичида тажрибали профессор-ўқитувчилар томонидан ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда 70 дан ортиқ методик қўлланмалар яратилиб, амалиётга жорий қилинди.

Кейинги йилларда Ички ишлар органлари фаолиятини услубий таъминлаш маркази ташкил қилиниб, жойлардаги ички ишлар органлари билан ҳамкорлик янада мустаҳкамланди. Марказ зиммасига нафақат жиноятчиликни жиловлаш бўйича ҳудудлар тажрибасини яратиш, соҳа ходимларининг касбий билим ва малакасини ошириш, жойларда маҳалла тизими вакиллари учун долзарб йўналишларда сайёр машғулотлар ташкил этиш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга қаратилган тарғиботлар ўтказиш вазифалари юкланди.

Қолаверса, мазкур йўналишдаги ишларни такомиллаштириш мақсадида янги тизим жорий қилинган. Ихтисослик ва юридик кафедралар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан иборат 14 та маъмурий ҳудудга бириктирилди. Кафедралар томонидан ҳудудларнинг криминоген вазиятини ўрганиш, мавжуд муаммолар юзасидан ички ишлар органларига методик ёрдам кўрсатиш, шу билан бирга, академияни тамомлаган ёш ходимлар фаолиятини мунтазам мониторинг қилиб бориш йўлга қўйилганини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Айни пайтда криминоген вазияти мураккаб ҳудудларни “илмий диагноз” асосида ўрганиш натижасида ишлаб чиқилаётган таклиф ва тавсиялар жиноятчиликни жиловлашга хизмат қилмоқда.

Халқаро алоқалар географияси кенгаймоқда

Ҳозирги глобаллашув даврида ривожланган давлатларнинг илғор ёндашув ва тажрибаларини ўрганиш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Ўқув даргоҳида айни йўналишда ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Чунончи, 2022 йил сентябрь ойида таълим муассасаси илк бор Халқаро полиция академиялари ассоциацияси (INTERPA) Ижроия кенгашининг аъзолигига қабул қилинган бўлса, бир йилдан сўнг май ойида МДҲга аъзо давлатлар Ички ишлар вазирлиги таълим ташкилотлари полиция раҳбар кадрларини тайёрлаш ассоциациясининг доимий аъзосига айланди.

Бундан ташқари, сўнгги уч йилда Туркия, Россия, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Беларусь, Тожикистон ва бошқа давлатларнинг 15 дан ортиқ турдош олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик меморандумлари имзоланди. Натижада ўқув даргоҳи билан ҳамкорликни йўлга қўйган халқаро ташкилотлар 9 тага етган бўлса, турдош хорижий таълим муассасалари 30 тадан ошди.

Шу ўринда айрим рақамларни келтирсак: 2021-2024 йиллар мобайнида академияда хорижий мутахассислар иштирокида 646 маротаба мастер-класс машғулоти ўтказилди. Профессор-ўқитувчиларнинг 130 нафари Туркия, Хитой, Жанубий Корея, Япония, Франция, Сингапур, Ҳиндистон, АҚШ, Россия ва бошқа давлатларнинг илғор тажрибаларини ўрганиб қайтди.

Истиқболда халқаро алоқаларни янада кенгайтириш, АҚШ, Франция, Япония, Қатар, Сингапур ва бошқа давлатларнинг энг илғор таълим муассасалари билан манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш режалаштирилган.

Дарвоқе, мазкур йўналишдаги ислоҳотлар ҳақида тўхталганда, академия ҳузуридаги Ўқув-методик кенгаш фаолиятини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Етакчи хорижий олий таълим ташкилотларининг юқори малакали мутахассисларидан иборат мазкур кенгашни ташкил этишдан мақсад таълим жараёнига илғор хорижий тажрибалар ва инновацион педагогик технологияларни кенг қўллашдан иборат.

Ёшлар — ислоҳотлар таянчи

Академияда ёшлар билан манзилли ишлашнинг таъсирчан механизмлари ҳаётга татбиқ қилинган. Курсантларнинг фаол ҳаётий позициясини мустаҳкамлаш, Ватан тақдирига бўлган масъулиятини ошириш, ахборот хуружларига қарши мафкуравий иммунитетини кучайтириш мақсадида ҳафтанинг жума куни “Ватанпарварлик куни” сифатида белгиланган.

Тарихда ўчмас из қолдирган буюк аждодларимиз ва жасур замондошларимизнинг ибратли ҳаётини кенг тарғиб этиш орқали ёшларни ўз бурчига садоқатли, мард, ҳалол ва фидойи шахслар этиб тарбиялаш мақсадида “Турон қоплони Жалолиддин Мангуберди”, “Буюк Соҳибқирон Амир Темур” хоналари, шунингдек, “Ватанпарварлик”, “Коррупцияга қарши курашиш” бурчаклари ташкил қилинган.

Иқтидорли курсантлар кенгаши ташкил этилиб, билимли, ташаббускор ва фидойи ёшлар билан мақсадли ишлаш, улар ўз тенгдошларига ижобий таъсир кўрсатиши орқали таълим-тарбия самарадорлигини оширишга қаратилган тизим яратилган.

Президентимизнинг беш муҳим ташаббуси асосида янги тўгараклар, шунингдек, курсант қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, уларга касб-ҳунар ўргатиш бўйича ўқув курслари мунтазам фаолият юритмоқда.

Бундан ташқари, ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга ошириш, иқтидорли ёшларни муносиб рағбатлантириш мақсадида Ички ишлар вазирлигининг “Жалолиддин Мангуберди” номидаги стипендияси, шунингдек, “Иқтидорли курсант”, “Академия аълочиси” кўкрак нишонлари ҳамда “Чўлпон” стипендияси таъсис этилган.

Кейинги йилларда мазкур йўналишдаги ишлар кўламини кенгайтириш мақсадида янги тизим яратилди. Унга кўра, тажрибали профессор-ўқитувчилар ва иқтидорли курсантлардан иборат ташаббускор гуруҳлар ташкил қилиниб, “Янги Ўзбекистонни ёшлар билан бирга қурамиз!” ғояси остида пойтахтимиздаги маҳаллалар, таълим муассасалари ва турли ташкилотларда ҳуқуқий тарғибот тадбирларини ўтказиш йўлга қўйилди.

“Тенгдош — тенгдошга” тамойили асосида юртимизнинг турли жойларида истиқомат қилаётган ёшларни билим ва касб-ҳунар эгаллашга йўналтириш, улар қалбида юртга дахлдорлик, қонунларга ҳурмат, ҳуқуқбузарликларга муросасизлик ҳиссини шакллантириш мақсадида курсантларнинг ўзлари туғилиб ўсган ҳудуддаги қишлоқ ва маҳаллалар, ўрта таълим мактаблари ҳамда олий таълим муассасаларида ёшлар билан мотивацион учрашувлар ташкил этиш йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, ҳудудлардаги ўрта таълим мактаблари академия томонидан оталиққа олиниб, ватанпарварлик руҳидаги тадбирлар қамрови оширилди. Уюшмаган ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш, уларнинг ҳаётда муносиб ўрин топиши учун кўмаклашиш, ҳуқуқий маданияти ва маънавий-ахлоқий фазилатларини юксалтириш ишлари амалга ошириб келинмоқда.

Қувонарлиси, давлатимиз томонидан яратилаётган кенг имкониятлар ёшларимизга улкан мотивация бериш билан бирга, уларнинг турли йўналишларда ютуқларни қўлга киритишида муҳим пойдевор бўлмоқда.

Жумладан, сўнгги уч йилда академия курсантларидан 28 нафари МДҲ давлатларининг турдош олий таълим муассасалари ўртасида ўтказилган кўрик-танловларда совриндорлар қаторидан жой олди. Халқаро ва республика миқёсидаги спорт мусобақаларида курсантларимиз 300 га яқин медални қўлга киритди. Иқтидорли курсантлардан 12 нафари ички ишлар вазири, 6 нафари “Жалолиддин Мангуберди” номидаги стипендияларга ва 23 нафари “Академия аълочиси” кўкрак-нишонига сазовор бўлди.

“Smart reyting” — таълим сифатини оширмоқда

Ислоҳотлар даврида таълим сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида янгича мезонлар татбиқ қилинди. Профессор-ўқитувчилар фаолиятини баҳолашнинг “Smart reyting” электрон тизими жорий этилди.

Соҳа вакилларининг педагогик маҳорати ва малакасини мунтазам равишда ошириб боришга қаратилган узлуксиз тизим йўлга қўйилди. Ихтисослашган кафедралар профессор-ўқитувчиларининг соҳавий хизматларда амалиёт ўташи белгиланди. Таълим сифатини назорат ва мониторинг қилиш марказини ташкил этиш орқали ўқув жараёни самарадорлиги оширилди.

Бундан ташқари, профессор-ўқитувчилар учун замон талабларига мос шароит яратиш, уларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантириш, моддий таъминотини яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Самарали илмий-педагогик фаолияти билан академия

равнақига муносиб ҳисса қўшаётган профессор-ўқитувчилар учун “Мураббий”, “Тажрибали мураббий” ва “Фахрий мураббий” педагогик тоифалари, шунингдек, “Ички ишлар вазирлиги академияси фахрий профессори” унвони таъсис этилди. Албатта, бу йўлдаги ислоҳотлар таълим тизимини замон талаблари асосида ташкил этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Сўнгги йилларда академиянинг моддий-техник базаси тубдан такомиллаштирилди. Ўқув бинолари капитал таъмирдан чиқарилиб, замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Криминалистик лабораториялар ташкил қилингани муносабати билан хатшунослик ва ҳужжатларнинг техник-криминалистик экспертизасини ўтказишга мўлжалланган махсус воситалар олиб келинди. Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлигининг кўмаги билан Хорижий тиллар маркази қошида “Турк тили хонаси” барпо этилди.

Шу билан бирга, ўқув даргоҳи ҳудудида яна бир йирик лойиҳа — Хитой Халқ Республикаси ҳукуматининг беғараз кўмаги билан барпо этилаётган Инновацион таълим фондининг қурилиш ишлари бошлаб юборилди.

Бир сўз билан айтганда, таълим жараёнига татбиқ қилинаётган янгиланишлар соҳа учун интеллектуал салоҳияти ва профессионал билим даражаси юқори, маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, Ватанимиз ва халқимиз тақдирига юксак дахлдор кадрларни тайёрлашга хизмат қилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрлар тайёрлаш бўйича самарали тизим яратилаётгани, соҳада ўз бурчи ва қасамёдига содиқ, ватанпарвар ва халқпарвар ходимлар сони кўпайиб бораётганини ислоҳотларимизнинг энг муҳим натижаси сифатида қабул қиламиз”, деб алоҳида таъкидлаган эди.

Зеро, Ватанимизнинг эртанги истиқболи ўз касбига ва хизмат бурчига садоқатли, юрт тинчлиги, халқ манфаати учун хизмат қилишни муқаддас бурчи деб биладиган билимли, мард ва жасур ёшлар ғайрат-шижоатига, улкан мақсадлар сари интилишига боғлиқ.

2002 йил 31 август. Қатағон қурбонлари хотираси музейи ўз эшикларини очди. Музей замонавий усулда барпо этилиб, энг янги техника воситалари билан жиҳозланди. Истиқлол йўлида шаҳид кетган аждодлар ҳақидаги тарихий ҳақиқатни акс эттириш, хотирасини абадийлаштириш каби вазифалар мажмуа экспозицияларининг муҳим йўналиши сифатида белгиланди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

31 АВГУСТ — ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИНИ ЁД ЭТИШ КУНИ

...Катта салоҳиятга эга етакчилар, олимлар, адиблар, шифокорлар, ўқитувчилар қатағон қилинган. Улар халқимизнинг энг сара вакиллари эди. Мустабид тузумга миллат кўзини очадиган, унга ўзлигини танитадиган зиёли инсонлар керак эмас эди. Уларнинг айби — буюк бўлгани.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



ТАСКИН ТОПГАН ТАҚДИРЛАР

ЁХУД ТАРИХНИНГ ҚОРА САҲИФАЛАРИНИ УНУТИШГА, БУГУНГИ ШУКУҲЛИ КУНЛАРНИНГ ҚАДРИГА ЕТМАСЛИККА ҲАҚҚИМИЗ ЙЎҚ

2000 йил 12 май. Халқимизнинг ватан озодлиги ва эркинлиги йўлида қурбон бўлган суюкли фарзандлари номини тиклаш, уларнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, тадқиқ ва тарғиб этиш, бир сўз билан айтганда, тарихий ҳақиқатни қарор топтириш мақсадида пойтахтимизнинг Юнусобод туманида “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуи очилди.

2001 йил 1 май. Шу куни Президентнинг “Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида”ги фармони имзоланди. Ҳужжатда “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуи бағрида Қатағон қурбонлари хотираси музейи барпо этилиши, у истиқлол ғояларига асосланган маънавият ва маърифат масканларидан бири бўлиши лозимлиги қайд этилди.

2002 йил 31 август. Қатағон қурбонлари хотираси музейи ўз эшикларини очди. Музей замонавий усулда барпо этилиб, энг янги техника воситалари билан жиҳозланди. Истиқлол йўлида шаҳид кетган аждодлар ҳақидаги тарихий ҳақиқатни акс эттириш, хотирасини абадийлаштириш каби вазифалар мажмуа экспозицияларининг муҳим йўналиши сифатида белгиланди.

2017 йил 31 август. Қатағон қурбонларини ёд этиш куни муносабати билан Президентимиз музейга ташриф буюрди. Давлатимиз раҳбари билдирган таклиф ва ташаббусларига кўра, ҳеч қанча вақт ўтмай, 2017 йил 22 ноябрь куни ҳукумат қарори қабул қилинди ва музей Вазирлар Маҳкамаси тасарруфига ўтказилди. Натижада фаолияти янада кенгайди, такомиллашди. Қайта таъмирлаш ва кенгайтириш ишларидан сўнг музей биноси экспозиция залларининг майдони 960 квадрат метр, айвон қисми 640 квадрат метрни ташкил этди.

“Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуи ва Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейининг айнан Тошкент шаҳридаги Бўзсув соҳилида барпо этилгани бежиз эмас эди. Айни шу қаровсиз жойда зулм ва зўравонликка асосланган шафқатсиз шўролар тузуми даврида халқимизнинг қанчалаб асл фарзандлари отилган, бекафан, бежаноза кўмиб юборилган. Манзил бугун қатағон қурбонларини хотирлайдиган муқаддас қадамжога, озод ватанда туғилиб, камолга етаётган ёшларнинг зиёратгоҳига айланди.

— Музей экспозицияларнинг ғоявий мақсади юртдошларимиз қалби ва онгида ватанпарварлик, ўз халқига муҳаббат ва садоқат ҳиссини уйғотишга қаратилган. Айни вақтда ёшларимизни бугунги дориламон кунлар қадрига етишига, қатағон қурбонлари хотирасига юксак ҳурмат ва эҳтиром ила муносабатда бўлишга ундаш ҳам назарда тутилган, — дейди музей бош илмий ходими Баҳром Ирзаев. — Мустабид тузум йилларида қатағонга учраган ватандошларимиз хотирасини абадийлаштириш, ибратли ҳаёти ва фаолияти, илмий ижодий меросини чуқур ўрганиш бугунимиз учун жуда муҳим. Негаки шу орқали ёшларимиз қалбида аждодларимиз руҳига эҳтиром, ижтимоий адолат тантанасига ишонч, истиқлол ғояларига садоқат, ватанпарварлик ва фидойилик туйғулари уйғонади. Лўнда айтганда, элим-юртим дейдиган комил шахсларни тарбиялашга хизмат қилади.

Кейинги йилларда миллий қадриятларимизни тиклаш, тарихни холис ва ҳаққоний ўрганиш борасида катта қадам ташланди. Натижада азиз сиймолар хотирасини эъзозлаш, халқимизнинг бой маънавий меросини тадқиқ, тарғиб ва ташвиқ қилишга катта имконият пайдо бўлди. Шу ишлар доирасида қатағон қурбонларининг аянчли қисмати, уларга ва оилаларига қилинган шафқатсиз зўравонликларга адолатли баҳо бериш, тарихий ҳақиқатни қарор топтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

2020 йил 8 октябрь. Президентимизнинг “Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармойиши тарихий адолатнинг тикланиши ва шаҳидлар хотираси абадийлаштирилиши борасида қилинаётган ишларни янги босқичга кўтарди. Фармойиш асосида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри кесимида жами 14 та “Қатағон қурбонлари” хотира китоби тайёрланди. Энди улар пойтахтимиздаги “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуасида барпо этиладиган рамзий хотира китобига киритилди. Шунингдек, Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейининг экспозицияси “Янги Ўзбекистон: Учинчи Ренессанс асослари” концепцияси асосида тубдан янгиланди.

— Бугунги кунда музей фондида 17 мингга яқин экспонат мавжуд. Фондда сақланаётган ҳужжатлардан илмий тадқиқотлар олиб борувчи мутахассислар унумли фойдаланмоқда. Шунингдек, қатағонга учраган ўз яқинлари тўғрисида маълумот сўраб мурожаат қилган фуқароларга тегишли жавоб қайтаришда ҳам мазкур ҳужжатларнинг аҳамияти катта бўляпти, — дейди Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи директори Бахтиёр Ҳасанов. — Ўзининг 20 йиллик фаолияти давомида музей қатағон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш, илмий-ижодий меросини чуқур ўрганиш, ёшларда истиқлол ғояларига садоқат, ватанпарварлик ва фидойилик туйғуларини кучайтириш борасида салмоқли ишларни амалга ошириб келмоқда.

2023 йил 6-7 март. Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи, Туркий давлатлар ташкилоти, Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда бошқа ташкилот ҳамда муассасалар ҳамкорлигида Тошкентда “Жадидларнинг маърифий фаолияти: ғоялари, мақсадлари, вазифалари ва Туркистон тараққиётига қўшган ҳиссаси” мавзусида халқаро конференция ўтказилди. Анжуман Ўзбекистоннинг Туркий давлатлар ташкилотидаги (ТДТ) раислиги доирасида ўтказилаётгани унинг нуфузини янада оширди. Унда АҚШ, Туркия, Озарбайжон, Россия, Қозоғистон, Швеция ва Германия каби мамлакатларнинг 30 га яқин нуфузли жадидшунос олимлари иштирок этди.

Президентимиз халқаро конференция иштирокчиларига табрик йўллаб, унда тарихда икки буюк Ренессансга замин бўлган минтақамизда Учинчи Ренессансни айнан жадид аждодларимиз амалга ошириши мумкин бўлгани, аммо мустабид тузум уларнинг эзгу ғоя ва амалий ҳаракатларини тўла рўёбга чиқаришга имкон бермаганини қайд этди. Бугун мамлакатимиздаги ислоҳотлар сабаб Учинчи Ренессанс пойдевори қўйилмоқда. Мақсад — нафақат мамлакатни юксалтириш, балки аждодларимиз каби дунё аҳлини илмга, маърифатга чорлаш. Буни жадидлар меросини ўрганиш, қатағон қурбонлари хотирасини тиклаш борасидаги ишларда ҳам кўриш мумкин.

2023 йил 31 август. Президентимиз иштирокида Тошкентдаги “Шаҳидлар хотираси” хиёбонида қатағон қурбонларини ёд этиш маросими бўлиб ўтди. Қуръон тиловат этилиб, ўтганлар ҳақига дуо қилинди. Элга ош тортилди.

“Ҳар сафар бу ерга келиб, халқимиз озодлиги йўлида қурбон бўлган жасур боболаримизни эслаб, кўнглимиз таскин топади. Уларни хотирлаш, эзгу ишларини давом эттириш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз. Қатағон қилинган етакчиларимизнинг тақдири барчамизни мустақиллигимизни қадрлашга, уни асраб-авайлашга ундайди. Мана шундай мустақилликда, тинчликда яшашнинг ўзи Аллоҳ таолонинг катта марҳамати, неъмати. Бунинг учун шукроналик билан унинг қадрига етиш керак”, деди давлатимиз раҳбари.

Тарихий манбаларга кўра, 1937-1953 йилларда Ўзбекистонда 100 минг одам қатағонга учраган, уларнинг 13 минг нафари отиб ташланган. Ўтган асрнинг 80-йилларида ҳам юртдошларимиз адолатсизлик қурбонига айланиб, “пахта иши”, “ўзбек иши” деган сохта айбловлар билан республика бўйича 40 минг киши тергов қилинган, 5 минг нафари жиноий жавобгарликка тортилган.

Шу куни Президентимиз жадидлар ҳаётини ўрганиш, ноҳақ қатағонга учраган инсонлар хотирасини абадийлаштириш бўйича хайрли саъй-ҳаракатлар ҳақида бундай деди: **“Бу борада адолатни тиклаш бўйича кўп ишлар қиляпмиз. Тарихчи олимлар иштирокида комиссиялар тузилди, архив ҳужжатлари ўрганиляпти. Охирги икки йилда Ўзбекистон Олий суди 850 дан зиёд, бу йил 240 нафар ана шундай жабрдийда ватандошимизнинг номини оқлади. Бундай изланишларни ҳеч қачон тўхтатмаслигимиз керак. Негаки ҳақиқатни халқимиз билиши керак”.**

Халқимизнинг дилини кундай равшан қилаётган бундай хайрли ишлар давом эттирилиб, 2023 йил 3 декабрь куни яна 174 нафар, 2024 йил 6 май санасида 205 нафар қатағон қурбони Ўзбекистон Олий суди томонидан оқланди.

— Бу, аввало, мустабид шўролар тузуми даврида қатағон қилинган ватандошларимизнинг пок номини оқлаш, хотираларини абадийлаштириш йўлида кенг қамровли ишлар қилинаётганидан далолат беради. Шунингдек, айни йўналишдаги ишларимизнинг тизимли ва бардавом эканини амалда тасдиқлайди, — дейди Олий суд раиси ўринбосари Икром Муслимов. — Халқимизнинг миллий ўзликни англаш, янги Ўзбекистонни бунёд этиш йўлида қўяётган қутлуғ қадамлари мукаррам инсон зотига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, инсон хотирасига нисбатан адолат ва ҳақиқатни қарор топтиришдек эзгу амаллар билан узвий боғлиқ бўлиб, келгусида халқимиз манфаатларига хизмат қилади.

2024 йил 19 июль. Шу куни давлатимиз раҳбари “Сиёсий қатағон қурбони бўлган юртдошларимизнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, тарғиб этиш ҳамда уларнинг хотирасини абадийлаштириш борасидаги ишларни кенгайтириш тўғрисида”ги қарорга имзо чекди.

Ҳужжатда қайд этилишича, 2021-2024 йилларда Ўзбекистон Олий суди 1200 дан ортиқ сиёсий қатағон қурбонини оқлаган. Энди бу ишлар янада тизимли равишда давом эттирилади. Шу мақсадда сиёсий қатағон қурбони бўлган ватандошларимизнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, хотирасини абадийлаштириш ишларини мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси тузилади.

Қарор билан комиссиянинг асосий вазифалари белгиланиб, унинг ишчи органи этиб Мудофаа вазирлигининг умумий раҳбарлиги остида — Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи, ФА Тарих институти, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши, Қуролли Кучлар академияси, Мудофаа ва ҳарбий хавфсизлик муаммоларини ўрганиш институти, “Ғалаба боғи” мемориал мажмуаси, “Шон-шараф” давлат музейининг масъул шахслари ва етакчи мутахассислари гуруҳи тайинланди.

Шунингдек, ҳар йили октябрь ойида Сиёсий қатағон қурбонлари хотираси ҳафталигини ўтказиш белгиланди. Сиёсий қатағон қурбони бўлган ватандошларимиз ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, хотирасини абадийлаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

— Ўша йиллар қатағони, аввало, зиёлилар, дин хизматчиларига қарши қаратилган эди, — дейди Андижон давлат университети тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейи раҳбари, профессор, тарих фанлари доктори Рустамбек Шамсутдинов. — Фақат 1937 йилнинг декабрь ойида “учлик” қарори билан ҳукм қилинган 3644 кишидан 1464 нафари имом, эшон, мулла ва бошқа диний хизматчи бўлган. 1938 йилнинг февралида “учлик” йиғилишларида 2491 маҳбус устидан ҳукм чиқарилган. Улар, асосан, ўзига тўқ деҳқонлар, ишчи-хизматчилар, уламолар, савдогарлар эди.

Бугун юртимизда тинчлик ва осойишталик баробарида инсон хотираси ва қадрининг шундай юксак даражада улуғланаётгани фарзандларимиз учун тенгсиз сабоқ ва муносиб ибратдир. Буларнинг барчаси янги Ўзбекистон кейинги йилларда том маънода инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати улуғланадиган буюк давлатга айланганидан яна бир далолатдир.

Маърифатпарвар боболаримиз мустақиллик, халқимиз эмин-эркин яшаши учун курашганини биламиз. Уларнинг номларини тиклаш, музейларни янги намуналар билан тўлдириш, ижод мактаблари ташкил этиш бўйича кўп ишлар қилиняпти. Мақсад одамларга тарихий адолатни, ҳақиқатни очиқлаш, халқимиз у кунларни ҳеч қачон унутмаслиги, бугунги кунларнинг қадрига кўпроқ етиши учун замин ҳозирлашдир.

Нодир МАҲМУДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

Турналар карвони эслатар сизни

Қатағон қурбони бўлган миллат ойдинларининг ёрқин хотирасига бағишланади

Янги Ўзбекистоннинг гул қучоғига
Турналар келганда эслаймиз сизни.
Хотира майдонидан оғир айланиб
Турналар кетганда эслаймиз сизни.

Юртда ҳар кун байрам, буюк юксалиш,
Бунда Усмон Носир, Ғулом Зафарий.
Боғлар гулга кирди Беҳбудий ҳазрат,
Мунаввар тонг муборак, Мунаввarқори.

Ижод мактабида сизга шеър айтар
Сизнинг изингиздан гавҳар терганлар.
Сизга армон бўлган мактаб очилди,
Мактаб очаман деб жонин берганлар.

Жаҳолат занжирин тишлаб отган чоғ,
Тишингиз қаерга тўкилди, пирим.
Абдулла Авлоний номингиз айтсам
Зирқираб оғрийди томир — томирим.

Мактаб очаман деб оч ўтганларим,
Олов ютганларим, чўғ ютганларим.
Газет очаман деб қон қусганларим,
Улуғ ўтганларим, қутлуғ ўтганларим.

Юртим театрлари бугун кошона,
Кучоғида гуллар санъат, муҳаббат.
Саҳна гулга тўлди, сизни чорлайди,
Пардаларни очинг, Беҳбудий ҳазрат.

Қодирий туғилган Тошкенти азим,
Қалдирғоч ин қурган ошёнларига.
Оқшомлар юлдузлар қилади таъзим,
Миллатга шон берган хонадонларга

Усмон Носир совуқ Кемеровада
Шеър ёзди. Дарёлар музлади қат-қат.
Маърифат йўлларин ҳар бир қаричин.
Салла билан артган Исҳоқхон Ибрат.

Файзулла Хўжаев, Пўлат Солиев,
Ғози Олимдирсиз, Санжар Сиддиқсиз.
Анқабой Худойбахт, Отажон Ҳошим,
Халқига содиқсиз, Ҳаққа содиқсиз.

Абдулҳай Тожиев, Қурбон Берегин,
Аъзам Айюбларнинг изларидирмиз.
Биз ҳам халқим дея оёққа қалққан,
Жулқунбойнинг ўғил-қизларидирмиз.

Янги Ўзбекистоннинг янги боғида,
Илм ила ирфони эслатар сизни.
Борса қайтмаслардан ватанга қайтган,
Турналар карвони эслатар сизни.

Асрлар ўтажак, йиллар ўтажак,
Маърифат достони эслатар сизни.
Номингиз такрорлаб гул фасларда,
Шаҳидлар хиёбони эслатар сизни.

Зулфия МЎМИНОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Kolorpak” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** — 2984.
41126 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“Kolorpak” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Сардор Толлибоев
Мусаҳҳиҳ: Малоҳат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

ЎзА якуни — 23:40 Топширилди — 23:45